Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ҚИШЛОК ҲАҚИҚАТИ

1990 ЙИЛ 20 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА
№ 215 (5.008).
Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади

«Қишлоқ ҳақиқати»га обуна қандай бораяпти?

ТАШАББУСГА ҚЎШИЛИБ

Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози — илғор, иқтисодий жиҳатдан бақувват хўжалик. Бу ерда йил сайин қувончли натижалар қўлга киритилмоқда. Меҳнат аҳли белгиланган режаларни муваффақиятли уддалаб, юзлари ҳамиша ёруғ бўлаяпти.

Азаматлар жорий йилда ҳам қутлуғ ниятларни кўзлашган. Ҳозиргача талай соҳалар бўйича зиммадаги топшириқлар уддаланди. Айни пайтда фидокорона меҳнат эвазига етиштирилган пахтани йиғиб-териб олиш уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

— Рўзномангиз давлат хўжалигимиз ишчиларининг яқин маслаҳатчисига айланган, — деди совхоз партия комитетининг котиби Шуҳрат Шарипов таҳририятимизга қўнғироқ қилиб. — Унда ҳамиша биз, қишлоқ меҳнаткашлари учун у ёки бу фойдали мақолани ўқиш мумкин. Яқинда «Қишлоқ ҳақиқати» саҳифасида Ҳазорасп районидаги «Партия XXI съезди» колхози бошлаган ташаббус ҳақидаги «Пахтакор садоқати» сарлавҳали мақолани ўқиб қолдик. Хўжалигимиз маъмуриятн, партия ва касаба уюшмаси комитетларн ўзаро маслаҳатлашиб, бу ташаббусга қўшилишга қарор қилдилар. Меҳнат ва уруш мўйсафидлари, кўп болали оналар мазкур рўзномага обуна бўлишлари учун совхоз ҳисобидан 870 сўм ажратиладиган бўлди.

Шу кунларда хўжаликда ушбу нашрга ёзилиш қизғин давом этмоқда. Совхоз маблағига Р. Ражабов, Ғ. Расулов, Т. Ражабов, Н. Бўронов каби мўйсафидлар, Н. Исоқова, У. Олтинова каби серфарзанд оналар биринчилар қаторида обуна қилиндилар. Умуман, бу ерда «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасига 500 дан ортиқ киши ёзилди.

ЧЎЛ ХАЗИНАСИ

УЛЬЯНОВ РАЙОНИ ДАЛАЛАРИДА ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИ ҚИЗҒИН ПАЛЛАГА КИРДИ

Халқимиз пахтага эмас, аксинча пахта халқимизга асқотадиган давр келди. Ҳар бир халқнинг фахрли касби ва шу касб билан қиладиган ғурури бордир. Руслар ўрмонидан, гуржилар апельсин-лимонидан, молдаванлар узумидан, қозоқлар қўй-қўзисидан фахрланса не ажаб.

Тарихий Ипак йўлида жойлашган ўзбекнинг фахрланса арзийдиган бойликлари беҳисоб. Унинг ипагию қоракўли, мева-чеваси, оқ, сариқ, қора олтини... Аммо улар орасида пахтасининг ўрни бўлакча.

Халқларни кийинтирганимиз, уларга рангбаранг либос бўлғувчи оппоқ тола ҳадя этганимиз билан қувонамиз. Шунинг учун ҳам ҳар йили кузда дала меҳри ҳар бир ўзбек қалбини ўзига ром этади. Бинобарин, биз бир гуруҳ қалам аҳли ҳам қадрдон далалар томон йўл олдик. Мақсадимиз—пахтани эмас, шу пахтани яратган деҳқон меҳнатини мадҳ этиш, таҳсин ўқиб, уни улуғлаш. Зеро, пахта —ўлкамизнинг ташрифномаси.



ҚАДИМИЙ КАСБИ

Қабулида шикоятчи аёл, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотларининг вакиллари, яна аллакимлар якшанба бўлишига қарамай навбат кутиб туришарди. Пахта далалари сари ошиқаётганимиздан хабар топгач, ноҳия кенгашининг раиси, район партия комитетининг биринчи котиби Абдукарим Усмонов аввал биз билан суҳбатлашишга рози бўлди. Камтарона хонадаги мусоҳабамиз қайта қуриш даврининг умумий масалалари устидаги фикр-мулоҳазалардан бошланиб, ноҳия номига келиб тақалди.

— Биз яшаб турган жойимиз қадимда Касби деб аталган. Районимиздаги ҳар бир қишлоқда азалдан аҳоли яшаб келган, — вазминлик билан гап бошлади биринчи котиб. — Улар Касби бозорида олди-сотди қилишган. Шундай экан, қандай қилиб. бу ерни «қўриқ Ульянов» деб аташганига ҳайронман, назаримда мазкур ном тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди.

Ҳа, майли. Бу ёғини қўяверинг. Ҳозир ҳамма гуноҳни «турғунлик йиллари»га ағдариш одат бўлиб қолган. Сизларни район деҳқончилик саноати комплекси ходимларининг пахта йиғим-теримига қандай тайёргарлик кўрганликлари ҳақидаги масала қизиқтираётганини сезиб турибман.

Бу йил об-ҳаво яхши келди, деб бўлмайди. Шунга қарамай пахтакорларимизнинг жонбозликларига тан бериш керак. Айни вақтда ноҳиямиз иқтисодиётининг асосий тармоғи — пахтачиликда ялпи ҳосил салмоғини 60.000 тоннага етказиш учун барча агротехник тадбирлар ўз вақтида амалга оширилди. Режадаги 59.200 тонна оқ олтиннинг 70 фоизи ёки 42.000 тоннаси зангори кемалар бункеридан тўкилади.

Шундан кейин Абдукарим Усмонов механизаторлар ва теримчиларнинг манфаатдорлигини ошириш, улар меҳнатига ҳақ тўлаш ҳақида гапирди. Ҳозирги кунда район хўжаликларида икки қаторли машинада бир тонна пахта тергани учун 20 сўм. тўрт қаторликдагига 15 сўм, теримчиларнинг бир килограмм оқ пахтаси учун 20 тийин, агар у ипак пахта бўлса, 25 тийиндан ҳақ тўланмоқда.

Пахтани дала—машина—бункер—пункт усулида териш мақсадида 85 та терим, 65 та транспорт отрядлари тузилди. 563 та пахта териш машинасидан 524 таси доимий ишлаб туриши мўлжалланган. Ҳозир уларнинг бенуқсон ишлаши учун таркибида 28 та кўчма автоустахона, 218 слесари бўлган 70 отряд хизмат кўрсатмоқда.

— Назаримда қадимий Касби далалари шу кунларда гавжум тўйхонага ўхшайди, — деб суҳбатга якун ясади биринчи котиб. — Бу умумхалқ ҳашарида ўн минг киши иштирок этади. Ниятимиз—октябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида маррани эгаллаган, ажаб эмас.

ШОҲСАНАМ

Тақдир унга қувончли дақиқаларни кўп ҳам раво кўрмади. Ўртоқлари билан кийик овига кетган акасининг мавҳум ўлими не изтиробларга солмади бечора қизни. Бу ҳам етмагандек ажойиб бинокор, турмуш ўртоғи томдан йиқилиб, бандликни бажо келтирди. Фарзандлари билан ёшгина чоғида ёлғиз қолди у. Нима қилмоқ керак, нажот қаерда? Осмон йироқ, ер қаттиқ!

Шоҳсанам чора излади. Ниҳоят, топилди у. Дилини ўртаган армон ўтига кенг дала ҳавоси дармон бўлдию, ташвишли кунлари орқада қолди.

«Москва» давлат хўжалиги томон йўл олганимизда шу фикрлар хаёлимиздан ўтди.

«Бугунги тўйда кечаги ғамдан гапирманглар», деб қуйлайди хонанда фикримизни уққандек. Ҳа, бугун унинг қувончли куни:

Зафар қутлуғ, Шоҳсанам,
Бугун планинг тўлмиш.
Дадил олға боқ, санам,
Юзларинг ёруғ бўлмиш.

Биз уни дала чеккасида учратдик. Исмат Равшанов бошқараётган тўрт қаторли пахта териш машинаси эгат четидан бурилиб. бир силкинди-да. моторини гуриллатиб, олға интилди. Унинг бункерига кўз ташладик. Қишда буғланган дераза ойнаси олдида ўтириб, ташқарида жадал ёғаётган қорни кузатганмисиз? Худди ўшанга ўхшайди.

Тележканинг орқа халқасига осма тарозини илиб қўйиб, қизларнинг фартукларидаги пахтани тортиб олаётган Муса мўйловнинг қўли-қўлига тегмайди.

— Ҳой бола, — дейди арава тепасида пахтани тўкаётган Равшан Рўзибоевга қараб, — тезроқ қимирла. Ҳадемай, қоронғу тушиб қолади.

— Ҳозир зичлаб олай, бўлмаса ерга тўкилиб кетади.

Муса мўйлов унга «маҳмадоналик қилма» дегандек маъноли қараб қўяди-да, ёнидаги қизларга гап қотади:

— Қани, она қизларим, дугонангга қарашиб юборинглар. Уники кўпроқ экан. Кўтаринглар, ҳа, баракалла.

— Ҳорманг, ишлар қалай? — суҳбатга тортмоқчи бўламиз уни.

— Опадан сўранг, — дейди у вазминлик билан, «Опа» дегани кулгимизни қистатади. Ахир, Шоҳсанам унинг невараси бўлмаса ҳам қизи тенги келади-ку. Ҳа, дарвоқе, бу ерда бригада етакчисини каттадан-кичик, ҳамма «опа» деб чақиради.

Шоҳсанам Зиёдуллаева бошлиқ бригада «Москва» давлат хўжалигида эмас, балки районда биринчи бўлиб маррага етди. 56 гектар ерга «Юлдуз» навли чигит экилган эди. Унинг ҳар гектаридан 26,1 ўрнига 35 центнердан хирмон кўтарилди. Давлатга 148 ўрнига 200 тонна хом ашё сотилди. Планни бажариш учун атиги уч кун кифоя қилди. Ҳосил деярли юз фоиз машиналарда териб олинди. Бунда Исмат Равшанов, Равшан Рўзибоев, Тўра Мамашарипов, Салом Отамуродов, Холиқул Ҳайдаровларнинг ҳиссаси катта бўлди. Уларнинг ҳар бири кунига бункерлардан 10—12 тоннадан оқ олтин тўкди. Мавсумдаги ниятлари — 150-200 тоннадан пахта териш.

Ҳали далада ҳосил мўл. Яна гектаридан беш центнердан пахта бериб, ялпи хирмонни 280 тоннага етказиш — бригада шунқорларининг ахди.

Табиатан нозик, қорачадан келган, хушмуомала жувонга қараб туриб, унда шунчалик ғайратшижоат борлигига ишонгинг келмайди. Яна у район партия комитетининг бюро аъзоси сифатида жамоат топшириқларини ҳам бажаришга вақт топганига қойил қоласан:

Баракалла, Шоҳсанам,
Омад сенга ёр бўлсин,
Дўстларинг, ҳамкасбларинг
Ишда мададкор бўлсин.
Далангдаги оқ олтин
Кўнглинг каби оқ эрур.
Илғорлик туғуларн
Бахш этсин дилга ғурур.

Ушбу суратлар район далаларидаги қизғин дамларни акс эттирган тасвирлардир. Уларга қараб пахтазор ҳаётини тасаввур этиш қийин эмас. Юқоридаги суратда «Пахтакор» давлат хўжалигининг механик-ҳайдовчиси Шуҳрат Нафасовни, бункерлардан тўкилаётган оқ олтинни, районда биринчи бўлиб маррани эгаллаган «Москва» совхозининг бригада бошлиғи Шоҳсанам Зиёдуллаева, механизатор Исмат Равшанов ва сувчи Муса Сулаймоновни кўриб турибсиз.

Мана бу қизлар эса дала юлдузлари. Юқоридан: Дзержинский номли совхоз теримчиси Мавлуда Тўхтаева, «СССР 60 йиллиги» давлат хўжалигидан комсомол аъзоси Олияхон Ёмғирова, «III Интернационал»нинг нефтихори Ойхол Саидова, «Партия XX съезди» шўро хўжалигининг чевар қизи Моҳигул Маматова.

Б. ИСМОИЛОВ олган суратлар.

ЧУМЧУҚ СЎЙСА ҲАМ...

Ҳа, баракалла, топдингиз: «қассоб сўйсин». Чунки иш устасидан қўрқади, омилкор одам ҳар қандай мураккаб вазнятда ҳам тўғри йўлни топа биладн.

Давлат хўжалиги ишчилари шу йил июль ойида янги директор сайлаётганларида юқоридаги мулоҳаза билан иш тутдилар.

Бутун умри чўпонлик билан ўтган, хўжалик қорамолларини боқиб сочи оқарган Муҳаммадн ота Орзнев билан сигирсоғарлик касбини улуғлаган Санобар опа Муҳаммадиеванинг ўғли Ярашвой 1962 йили Ўшинский номли 7-мактабни битиргач, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтига ҳужжат топширди.

Олийгоҳнинг қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультетини тугатиб, 6-ўрта ҳунар-техника билим юртида дарс берди, илмий бўлим мудири бўлиб ишлади. У етти йиллик муаллимлик даврида тажриба орттирди, одамлар руҳиятини ўрганди, муомала санъатидан хабар топди. Бу фазилатлар келажакда асқотди.

1976 йили ўзи туғилиб катта бўлган, отаонасининг пешона тери сингган «Қашқадарё» давлат хўжалигига бош муҳандис этиб тайинланди. «Техника — деҳқоннинг қаноти», «Далада яшайсанми, техникани бил!» сингари шиорлар энди унинг амалий фаолиятига айланган эди.

Меҳнатнинг оғирини механизация бажаришн мумкинлигини ҳам ақлан, ҳам амалиётда идрок этган Яраш Муҳаммадиев катта хўжаликни бошқаришни ана шу соҳага эътиборин кучайтиришдан бошлади.

Бу йил хўжалик 3.200 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, давлатга 7.200 тонна оқ олтин топширишни режалаштирган. Ҳосилнинг асосий қисми зангори кемаларда териб олинмоқда. Бунга етарли шароит яратилди. Ғўзалар «ОВХ» ер усти аппаратлари билан баргсизлантирилди.

Машина теримн планини биринчи бўлиб тугаллаган деҳқончилик бўлимн механиги бир ойлик маошн миқдорнда, пахта териш йиллик режасини биринчи бўлиб уддалаган агроучастка жамоасига бир минг сўм пул мукофотн ваъда қилинди. Шунинг учун ҳам ўтган йили 130—140 тоннадан оқ олтин териб, илғорлар сафидан ўрин олган Шавкат Тошқулов, Омон Ўринов, Саттор Ҳамроев, Ўрол Амриддинов, Ражаб Равшанов сингари механизаторлар эрта тонгданоқ машиналарнн далага олиб чиқиб, юксак марраларнн эгаллашга ҳаракат қилмоқдалар.

Саттор Қаҳҳоров, Тошпўлат Эшпўлатов, Қувват Назаров каби бригада етакчилари, Малоҳат Қаҳҳорова, Дилором Раҳмонова, Сурайё Гелдиева, Дилдор Шодиева, Азиза Сайфуллаевага ўхшаш теримчиларнинг номлари бугунги кунда пешқадамлар қаторида тилга олинаяпти.

— Энди раҳбарга ёлчидик, — дейди совхоз партия комитетининг котиби Н. Нуруллаев. — Чунки оғир меҳнатнинг ҳаммасини механизация зиммасига юклаш туфайли деҳқон бағрига шамол тегишини яхши билган Яраш Муҳаммадиев ишни омилкорлик билан олиб бораётир. Касаба уюшмаси комитетн раиси Х. Гелдиев, меҳнат жамоалари кенгашининг сардори К. Қўчқоров, комсомоллар етакчиси М. Эшонқулова каби фаоллар директоримизга яқиндан ёрдам бериб туришибди.

Хўжаликда шу кунлари терим қизғин авж олган. 3- ва 5-деҳқончилик участкалари ўзаро беллашувда байроқдорлар. Бошқалар эса кўпларига тушган азаматлар сингари улар изидан олға интилишаяпти.

ИККИ ШУНҚОР

Йўлдош Шодиев «Москва» давлат хўжалигининг илғор механик-ҳайдовчиси, фидокорона меҳнати билан «чўл суворийси» номини олган марди майдонлардан бири.

Баҳорда айтарли ёғингарчилик бўлмаганига, ёз одатдан ташқари иссиқ келиб, гармсел шамолн эсиб турганига қарамай, табиат бу совхоз пахтакорларининг иродасини бука олмади. Маржон-маржон пешона тери эвазига 2.012 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирилди. Шундан 1.800 гектар ердаги пахта зангори кемалар ёрдамида терилади, уларнинг уядиган хирмони 4 минг тоннадан ошади.

Ҳозир хўжаликда 52 та терим машинаси жавлон ураяпти, улардан бирини Йўлдош Шодиев бошқармоқда. У қарийб олти йилдан бери машина рулини маҳкам тутган. Ўзига бириктирилган зангори кемани синчиклаб қаровдан ўтказган.

Ўтган йили бу илғор механизатор 220 тонна оқ олтинни машинаси бункеридан тўккан эди. Бу йил 235 тонналик хирмонни мўлжаллаб турибди. Оқ мавсум олдидан у «Қашқадарё» давлат хўжалигининг механизатори Саттор Ҳамроевни социалистик мусобақага чақирди.

Машина шарофати туфайли далаларда етиштирилган ҳосил тез ва соз йиғиштириб олинишини, иш унуми баракали бўлишини ўз тажрибасидан ўтказган Саттор Ҳамроев ҳамкасбининг чақириғига «Беллашувга шайман» деб жавоб берди. Бу совхозда 58 та терим машинаси ҳозир қордек оппоқ далаларда дурдона тераяпти. Ўша суворийлардан бири Саттор Ҳамроев мавсумда 230 тонна пахта териб бериш мажбуриятини олган.

«Қадрдоним Йўлдошбой!— дея ёзди у ўзининг жавоб мактубида. — Сиз очиқ хатда пахтазорда ҳақиқий жасорат намуналарини кўрсатиб меҳнат қилиш кераклигини уқтирибсиз. Бунинг учун биз, механизаторларга барча қулайлиқ яратилиши, иссиқ овқат ва чой тайёрланиши зарур. Қаердаки, шароит яхши бўлса, ўша ерда йиғим-терим суръати ошади, ҳосил сифати яхши бўлади. Бунинг учун биз механизаторларнинг терган пахтамизга иш ҳақи узоғи билан ҳар беш кунда бериб борилса, мақсадга мувофиқ бўларди».

Моҳир механизатор техникага хизмат кўрсатиш бевосита даланинг ўзида ташкил этилиши, зарур эҳтиёт қисмларни излаб, олтинга тенг бўлган ғанимат дамлар қўлдан бой берилмаслиги кераклигини алоҳида таъкидлади.

Шундай қилиб, икки забардаст шунқорнинг пахтазордаги баҳси бошланди. Уларнинг қайси бири ютиб чиқишидан қатъий назар, бу яхши ташаббус бутун район бўйлаб ёйилди ва кўплаб ҳамкасбларни янги жасоратлар сари чорлади.

ОҚ ОЛТИН МАВСУМИ

Район пахта далаларига қараб кўз қувонади. Пахтазор кўрки, тароватн ҳисобсиз. Эгатларга гўё оппоқ қор қўнгандай. Олис-олислардан зангори кемалар товушн эшитилади, дала қўйнида кўк каптардек эркин учади улар.

Чаноқларда кўпириб турган момиқ пахта деҳқон қалб қўрини намойиш қилаётгандек жозибали ва тафтли. Пахтакор кўнглидек пок ва бегубор, риск рўзи сингари мўл-кўл.

Бошқа хўжаликлар қаторн «Партия XX съезди» совхози далаларида ҳам қайноқ ҳаёт нафасн кезади. Кўпмингкилограммчн қизлар — Зулайҳо Қаюмова, Муҳтарам Очилова, Раъно Мухторова, Наргиза Шариповаларнинг қўлларн нақадар тез ҳаракат қилади. Механик-ҳайдовчилар баҳсида Ғани Турсунов, Ғайбулла Ҳазратқулов, Пўлат Шамснев, Эломон Усмоновлар пешқадам. Марказий хиёбонда ҳар беш кунлик натижаларига кўра булар шарафига кўтарилаётган меҳнат шуҳрати байроғи ҳилпираб турадн.

Давлат хўжалигида сифат комиссияси ишга тушган. Унинг таркибида бош агроном С. Давронов, бош муҳандис З. Омонов, ер тузувчн А. Сайдалиев каби мутахассислар, меҳнат жамоаси раиси Ш. Умаров ва бошқалар бор. Комиссия аъзолари деҳқончилик бўлималарига бориб, амалий ёрдам кўрсатмоқдалар...

Ноҳиядаги «III Интернационал», «Пахтакор», Дзержинский номли давлат хўжаликларида ҳам оқ мавсум қизғин тусга кириб бормоқда.

«Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги» совхозида пахтани саноат навларига ажратиб терилмоқда. Бу ишга Комил Иброҳимов етакчилик қилаётган 1-деҳқончилик бўлимасининг жамоаси фаол киришган. У бошқа коллективлар орасида карвонбошилик қилмоқда. Мавсумда 7—8 тоннадан жавоҳир теришга ваъда берган Шаҳло Ҳайдарова, Зулфия Мустафоева, Шоира Шомуродова, Рисолат Бердиева, Норжон Искандаровалар теримга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ульянов районн вилоятнинг чўл зонасига жойлашган. Бу қўрнқда етиштирилган дурдона Қашқадарёнинг ўлкан хирмонида ўзига яраша ўрин олишн табиий.

Хирмонларга барака, Касби пахтакорлари!

Н. ОРИФЖОНОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Ж. ЮСУПОВ,
район «Ленинчи» рўзномаси муҳаррири.

А. ҚИЛИЧЕВ,
ўқитувчи, ҳаваскор шоир.

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРАЯПТИ?

Жумҳурият вилоятларида ғўзани баргсизлантиришнинг борыши тўғрисида шу йил 19 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Биринчи устун — вилоятлар, иккинчи устун — ғўзани баргсизлантириш режаси (минг гектар), учинчи устун — бир кунда, тўртинчи устун — мавсум бошидан (режага нисбатан фоиз ҳисобида).

Жиззах	137	7,3	100
Самарқанд	100	5,8	100
Сирдарё	152	3,7	100
Тошкент	121	4,3	100
Қашқадарё	183	6,7	100
Андижон	110	7,7	100
Наманган	73	10,7	100
Фарғона	90	8,8	99,8
Сурхондарё	110	5,2	99,6
Бухоро	115	7,1	92,6
ҚҚАССР	120	6,4	89,9
Хоразм	70	7,0	82,3
Жумҳурият бўйича:	1381	6,1	97,2

ТЎҒРИ ЙЎЛНИ ТОПИШ УЧУН

ТАССнинг парламентдаги мухбирлари хабар қиладилар

СССР Олий Совети сессиясининг 18 сентябрдаги эрталабки мажлисида қарорлар қабул қилиш учун депутатлар сони етарли эди. мажлисда мамлакат халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишнинг кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш давом этди. Раислик қилувчи А. И. Лукьянов сессияда парламент аъзоларидан ташқари яна 89 халқ депутати қатнашаётганлигини маълум қилди. СССР Президенти М. С. Горбачев, СССР Президентлик Кенгаши ва ҳукумати аъзолари сессия ишида қатнашмоқдалар.

Кечаги мажлис хусусида Кремлга жуда кўп хат келди. Бу хатларнинг кўпида нутқларнинг амалий ва осойишта тусдалиги, бу эса олимлар ҳам, ҳукумат ҳам, Президент ҳам таклиф этаётган нарсаларни ҳар томонлама баҳолашга имкон бериши таъкидланади. Телеграммалардан бирида ҳатто Дидронинг ҳақиқат танқидни севади, бундан ҳақиқат фақат ютиб чиқади, деган гаплари келтирилган. Раислик қилувчи бугун ҳам ана шу шиорга амал қилишга даъват этди. Шу кунларда фуқароларнинг Олий Совет сессияси номига келаётган хатлари ўзига хос компас бўлиб қолди, бу компас бозор иқтисодиётига ўтиш чоғида тўғри йўлни топишда парламент аъзоларига ёрдам бериши керак. Депутатлар сессиянинг бошқа ҳужжатлари билан биргаликда хатлар ва телеграммалардан кўчирмалар йиғмасини олдилар.

Сайловчилар вазмин бўлишга, хўжалик юритишнинг янги шаклларини жорий этиш оқибатларини пухта таҳлил қилишга, яна «гап тагида қолиб кетмасликка» чақирмоқдалар. Кўпгина одамлар парламентнинг ўзида аҳиллик бўлмаса, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг тўғри йўналишини белгилаб бўлмаслигига эътиборни қаратмоқдалар. «Баҳслашиб ўтирмай ишлаш керак», «Ҳис-туйғуларга эмас, балки мантиққа амал қилишни сўраймиз», «Мамлакатни қутқариб қолиш учун кучларни бирлаштириш яхшироқ эмасми» — кўпгина хат ва телеграммаларда ана шундай ва шунга ўхшаш даъватлар янграйди.

Сайловчилар халқ хўжалигида тартиб ўрнатишда ҳукуматнинг мавқеи жиддий бўлиши кераклигини кўрсатмоқдалар, албатта. Баъзи хатларда иттифоқ Министрлар Кенгашига ишончсизлик билдирилади ва шу муносабат билан унинг истеъфо бериши талаб қилинади, бошқа хатларда эса бу масалага вазминлик билан, эҳтиёткорлик билан ёндошилади. Масалан, бундай далил келтирилган: «Қийин бурилиш босқичида кадрларни алмаштириш билан шуғулланиш ярамайди, чунки яна мажлислар, тасдиқлашлар, вазифасини ўрганишлар бошланади, вақт эса кутиб турмайди». Фикрлар қанчалик бир-бирига зид бўлмасин, уларни депутатларга нисбатан қўйилган «мамлакат ва халқ олдида масъулиятни кўпроқ ҳис этиш» ҳақидаги оқилона талаб бирлаштиради.

Муҳокама олдиндан режалаштирилганидек, депутатларнинг саволларига академиклар А. Г. Аганбегян, С. С. Шаталин ва Л. И. Абалкиннинг қисқача жавобларидан бошланди.

Деярли ҳар бир нотиқ бозор иқтисодиётига ўтиш масалаларининг энг мақбул ечимларини излашда парламент аъзолари намоён этишлари лозим бўлган юксак масъулиятни таъкидлашни ўз бурчи деб ҳисоблади. Эҳтимол шунинг учун ҳам кўпгина нотиқлар мамлакат Президенти тақдим этган ягона дастур тўғрисида гапиришни эмас, балки қайси лойиҳада бўлишидан қатъий назар ҳар қандай оқилона фикрни назардан четда қолдирмасликка ҳаракат қилиб, турли вариантларни таҳлил этишни афзал кўрдилар. Бироқ мақтовларга нисбатан танқиднинг кўпроқ бўлганлиги табиийдир.

Масалан, депутат Ю. Т. Комаров бирлаштирилган дастурнинг аҳоли ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишига доир қисми бўшлигини айтди. Ундаги уй-жой ислоҳотига доир таклифларда ҳам нуқсонлар оз эмас, бу концепцияни нотиқ «хом» деб атади. У умуман бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларига тўхталиб, пировард натижада қабул қилинадиган дастурни ким бажариши тўғрисидаги масалани Президент ҳал қилиши лозим деб айтди.

Депутат Ф. М. Бурлацкий ҳам тахминан шу маънода гапирди, у Президент тақдим этган концепциянинг йўналишлари ва асосий қоидаларини маъқуллашни, бу концепцияни амалга оширишда Президентлик Кенгашига, Федерация кенгашига ва улар тузишни зарур деб топган органларга фавқулодда ваколатлар юклашни таклиф қилди.

Депутат А. Н. Саунин барча таклифларни парламентнинг комитетлари ва комиссияларида янада батафсил ўрганишга чақирди.

ДЕҲҚОНЧИЛИК АХБОРОТИ

ҲОСИЛ НОБУД БЎЛМАЙДИ

Самарқанд вилояти матлубот жамиятининг Жомбой шаҳридаги тайёрлов идорасида бир йўла икки минг тонна маҳсулот сақлаш мумкин бўлган совутгич ўрнатилди. Энди тайёрловчилар хотиржам бўлишлари мумкин: деҳқонлар етиштирган сабзавот ва мева ҳосили нобуд бўлмайди.

Сунъий совуқ кооператорларга витаминли маҳсулотни узоқ муддат сақлаш ва истеъмолчилар дастурхонини қишда ҳам сабзавот ва мевалар билан таъминлаш имконини беради.

ТЕРИМ АВЖИДА

Пахтакорлар билан бир вақтда Фарғона вилояти қишлоқ кооперативлари ҳам ўз «мавсум»ларини бошлаб юборишди.

Улар хўжаликларнинг раҳбарлари билан биргаликда ишлаб чиққан маршрутлар бўйича далаларга 168 та автодўкон чиқди. Автодўконларда саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилинаяпти. Пахта теримида банд бўлган деҳқонларнинг буюртмалари биринчи навбатда бажарилмоқда.

Барча хўжаликларнинг дала шийпонларида сотувчисиз тўрт юзта дўкон ташкил қилинган. Бу ерда истаган пайтда кундалик зарур моллари сотиб олиш мумкин. Кечқурунлари, пахтакорлар даладан қайтаётган пайтда эса қишлоқларда етти юзта уй дўконлари савдо қила бошлайди.

Кооператорлар шу кунларда «оқ олтин»ни йиғиб-териш ва қайта ишлаш билан шуғулланаётганларни иссиқ овқат билан таъминлаш ҳақида ҳам ғамхўрлик қилишмоқда. Бир қанча қишлоқларда, тайёрлов пунктларида янги ошхоналар ва чойхоналар очилди.

Доимий савдо корхоналарининг кооператорлари ўз ташаббуслари билан анъанавий иш тартибини бузишдилар. Энди қишлоқ дўконлари ва умумий овқатланиш корхоналари фақат эрталаб ва кечқурун очилади.

Озиқ-овқат дастури бўғинлари

МОВИЙ КЎЛ МАВЖИ

Калинин районидаги «Дамачи» хўжалигида ҳавза балиқчилигининг ривожланти рилиши туфайли эл дастурхонига кўплаб маҳсулот етказиб берилмоқда, маҳсулдорлик оша бориб, юқори кўрсаткичларга эришилмоқда.

Бундай ютуқлар қўлга киритилишида ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимлар жадаллаштириш йўлидан дадил бораётганликлари, айниқса инсон омили тобора катта аҳамият касб этмоқда. Бу йил хўжалик азаматлари шаҳар савдо шохобчаларига 860 тонна тирик балиқ етказиб бериш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Халқнинг ана шу танқис маҳсулотга бўлган талаб-эҳтиёжини имкон борича тўлароқ қондириш мақсадида истеъмолчиларга ҳар куни 7—8 тонна балиқ жўнатилаяпти.

Кейинги йилларда хўжалик ходимларининг меҳнат тарзи тубдан яхшиланди. Уларнинг аввалдан шаклланиб келган аҳвол руҳияти ҳам ўзгарди. Агар илгари балиқчилар ўзлари овлаётган жониворларни боқиш ҳақида дурустроқ қайғуришмаган бўлса, эндиликда улар чинакам балиқчига айланишди: чорвадорлар каби ўз ишларини эрта тонгдан бошлаб, қош қорайганда тўхтатишади. Зиммадаги вазифа эса жуда катта, сувни, эрта етилган озуқалар сифатини текшириш, кунига уч марта емиш тарқатгичга омихта ем солиш, уни ҳовузларга сепиш, лаборатория маълумотларига қараб минерал ўғит тарқатиш, қўйингки, барча юмуш уларнинг зиммасида.

Эндиликда ёрдамчилар ҳам кўпайиб қолишди: лойиҳачилар, селекционячилар, ихтиологлар ҳамкорликда тармоқ манфаатларини кўзлаб ишлашаяпти. Бу эса яхши самара бераяпти. Олимлар ёрдамида жониворларнинг ҳовузда нобуд бўлиши ҳисоблаб чиқилди. Улар орасида хумбош чидамсизроқ бўлиб чиқди — ёз бўйи 14 фоизи нобуд бўлди. Карп ва Оқ амур бардошли экан. Кузатишлар шуни исботладики, агар балиқ кунлик салқин дамларда сувга қўйиб юборилса, озуқани яхши ейди. Хумбош йирик ва қаттиқ сув ўтларини емайди. Оқ амур эса, бунинг аксича, қамиш ва бошқа ўсимликларнинг ёш шохларини, агар сувга ташланса, беда ва ўтлоқ гиёҳларини ҳам иштиёқ билан ейди. Ҳар иккаласи омихта озуқани танлаб ўтирмайди. Бу тажрибаларни балиқчилар диққат билан ўрганиб чиқишди ва амалда қўллашди.

Маҳсулдорликни оширишда балиқларни соғлом парваришлаш ғоят муҳим. Аввалларида балиқлар бир ёшлигида четдан келтирилиб боқилар ва қимматга тушар, талайгина қийинчиликлар туғдирар, айниқса, янги жойга қўниккунча кўп қисми нобуд бўларди. Эндиликда бунга барҳам берилди. Хўжаликда балиқ тухумларини очириш йўлга қўйилди. Бунинг учун алоҳида ҳовузлар ажратилди. Уларнинг ҳолати мунтазам назорат қилиб борилди. Натижа ёмон бўлмади. Тошбосар, дуркун жониворлар кузга бориб кўзни қувонтирди.

Табиий муҳитда балиқлар сув ўтлари ва бошқа ҳайвонларнинг личинкалари билан озиқланади. Хўжаликларда эса сунъий ҳовузларда боқилади. Шу боисдан қўшимча озуқа беришга тўғри келади. Масалан, 1 килограмм карп олиш учун 5 килограмм ортиқ озуқа сарф қилинади. Бунинг устига, озиқлантириш технологияси такомиллашмагани туфайли бирмунча исрофгарчиликка йўл қўйилади.

Бу йил хўжаликда балиқларни озиқлантиришнинг янги технологиясини ўзлаштиришга киришилди. Сузувчи «Рефлекс» озуқа тарқатгичларидан фойдалана бошланди. Улар жуда оддий ҳолатда ишлатилади. Озиқланишни истаган балиқ мосламага ёндошади, унинг остига тушириб қўйилган тебранғични туртади, шунда озуқа сувга тўкилади. Қорнини тўйғузгунга қадар балиқ «Рефлекс» остида сузиб тебранғичга тегаверади ва озиқланаверади. Бундай усул тежамли, негаки, балиқ ўзига керагича ейди. Озуқанинг 25—27 фоизи сақлаб қолинади. Инлига шартли равишда қарийб 180 минг сўм маблағни иқтисод қилиш имконияти яратилади.

Тирик балиқ етиштиришни кўпайтириш мақсадида кейинги йилларда кўл майдони кенгайтирилди. Янги кўллар барпо этиш — керакли иш, албатта, лекин энг самаралиси бунда эмас. Муҳими илғор технологияни жорий этишдир. Лекин катта фойда берадиган яна бир имконият мавжуд — бу ижара пудрати. Ҳозир хўжаликда балиқчилар ана шу усулда ишлашмоқда. Пировард натижани кўзлаш, қатъий моддий жавобгарлик, тежамкорлик — буларнинг барчаси харажатларни камайтирган ҳолда балиқ етиштиришни кўпайтириш имконини берди.

Эришилган ютуқларда мовий кўл соҳиблари — пешқадам балиқчиларнинг ҳиссаси катта. Улар маҳсулот етиштиришни кўпайтириш борасида туну кун изланадилар, янгиликларни қидирадилар. Планларни ортиғи билан бажараётган бош ижарачи Абдуғани Тўрақулов алоҳида ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Тажрибали балиқчилардан Абулқосим Алимбеков, Нурилла Мелиев, Яхшилик Дўстмирзаев ва Убайдулла Боймуҳамедов ҳақида ҳам илиқ сўзлар айтиш мумкин. Улар кўп йиллик тажрибани, илғор усулларни ишга солиб, зиммаларига юклатилган вазифаларни сидқидил адо этишмоқда.

И. АЛИМОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: 1. Бош ижарачи А. Тўрақулов (ўртада) балиқчилар У. Боймуҳамедов, А. Алимбеков ва Н. Мелиев билан. 2. Янги озуқа тарқатгич қўлланаётган ҳовузнинг умумий кўриниши.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.



ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

МАМЛАКАТ ЭКОЛОГИЯ ХАРИТАСИ

● МОСКВА. СССР Фанлар академияси география институтининг мутахассислари мамлакат экология харитасини яратиб, экология вазиятига тўла-тўкис баҳо бердилар. Унда табиати ёрдамга муҳтож бўлган барча минтақалар акс эттирилган. Унинг афзаллиги шундаки, харита тўла-тўкис яратилган бўлиб, турли тармоқларнинг мутахассисларига кўмаклашади. Харитада экология вазияти можароли, танг ва ҳалокатли қисмларга бўлинган. Унда деҳқончилик маданияти паст бўлган деталлар кўрсатилган. Деҳқончилик маданиятининг пастлиги ернинг нурашини кучайтиради, тупроқ чиринди ларининг тугашига олиб келади. Хўжаликлар ҳозир институтга ана шундай харита учун буюртма беришлари мумкин.

ЧЕРНОБИЛЬ — ҲАММАМИЗНИНГ ДАРДИМИЗ

● АШХОБОД. Туркманистон меҳнаткашлари «Правда» рўзномасининг Чернобилдаги аварияси жабрланган деталлар аҳолисига ёрдам кўрсатиш хусусидаги чақириғини қизғин қўллаб-қувватладилар. Гўктепе ва Тажан деталларининг хўжаликлари хушбўй туркман қовунлари ва узумларидан 26 тоннасини самолётга ортиб, Могилев вилоятига жўнатдилар. Чоржўй, Мари, Тошҳовуз вилоятларининг колхоз ҳамда совхозлари, жумҳурият тобелигидаги деталларининг хўжаликлари Могилев ва Гомель вилоятларига ширин-шакар меваларни жўнатишга ҳозирлик кўришмоқда. Жумҳурият қишлоқ меҳнаткашлари нурланиш касалига мубтало бўлган болалар учун мева, узум, полиз маҳсулотларининг энг яхши навларини танлаб олишмоқда. Жумҳурият касаба уюшмалари ана шу мақсад учун катта маблағ ажратди.

ЕР ҲАЙДОВЧИЛАР БЕЛЛАШМОҚДА

● ТАЛЛИНН. Ер ҳайдовчиларнинг охирги марта ўтказилган жумҳурият мусобақаси ғолиби, Совет Иттифоқи ва Эстониянинг бир неча марта чемпиони, Тартудаги «Авангард» совхозида меҳнат қилаётган Эльмар Вески Голландияга жўнаб кетди. У ерда ер ҳайдаш бўйича 37-жаҳон чемпионати бўлади. Эстония командасида ёшлар ўртасида уста ер ҳайдовчи, «Торма» қишлоқ хўжалик артелининг тракторчиси Райдо Кунила, Эстония ер ҳайдовчилар уюшмасининг вакиллари — жаҳон чемпионатига сафар ташкилотчилари бор. Ҳозирча машқлар ўтказилмоқда. Ҳамма нарса 21—22 сентябрда, ҳар бир қатнашчи 2 минг квадрат метр майдонни ҳайдаб бериши керак бўлган кунларда ҳал этилади. Ана шунча ерни ҳайдаш учун уч соат вақт берилади.

ОДЕССАДА ҚАЙТА ҚУРИШ

● ОДЕССАнинг бетакрор қиёфасига путур етказмай туриб, унинг давлат ҳимоясидаги қисмини қандай янгилаш мумкин? Бу саволга Одессада очилган Бутуниттифоқ конкурси қатнашчилари жавоб беришга уриниб кўришади. Конкурсда Москва, Ленинград, Киев, Минск, Вильнюс ва бошқа шаҳарлардан келган меъморлар ва рассомлар, лойиҳачилар ва бинокорлар иштирок этишмоқда. Улар икки ҳафта ичида шаҳар учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган уч объект — денгиз вокзали ва унга олиб борувчи Потемкин зинаси, Мартинов майдони ва музикали комедия театри атрофидаги жойларни реконструкциялаш юзасидан таклифлар беришлари лозим.

Ғолиблар пул мукофотлари ҳамда эсдалик дипломлари билан тақдирланади. Энг яхши ишларни ҳайъат баҳолайди. Унга фақат одессаликлар эмас, шу билан бирга иттифоқ ва жумҳурият идораларининг мутахассислари, ижодий уюшмаларнинг вакиллари, таниқли меъморлар кирган.

Нуқтаи назар

ИЖАРА ЖАМОАЛАРИ

Мамлакат иқтисодиётини давлат тасарруфидан чиқариш халқ хўжалигини инқироз ҳолатидан қутқаришнинг, бозор муносабатларига ўтишнинг асосий йўналишларидан бири эканлиги бугун ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Инсон фаолиятининг деярли барча соҳаларини ҳаддан ташқари умумлаштириш, бошқаришни марказлаштириш, давлат хўжаликларга доир барча масалаларни ҳал этиш юкини ўз зиммасига олиши — буларнинг ҳаммаси охир оқибатда бошқарувнинг издан чиқишига, самарадорликнинг пасайишига олиб келмоқда.

Маълумки, ривожланган мамлакатларда иқтисодиётнинг давлат сектори 25—30 фоиздан ортмайди. Қолган қисми акционер, ижара, кооператив, шахсий ва аралаш мулк ихтиёрига қарайди. Бу — қонуний. Чунки бундай ўзаро нисбат давлатга ўз иқтисодиётини мулкчиликнинг бошқа шакллари билан қаттиқ рақобат шароитида бошқариш имконини беради. Шу билан биргаликда у иқтисодий (солиқ солиш, нарх-наво, молиявий-кредит ва ҳоказо) усуллар орқали амалга ошириладиган, ўз қўлида стратегик соҳаларини ушлаб турган умумиқтисодий сиёсатдан воз кечмайди.

Бизнинг мамлакатимизда қайта қуриш шароитида иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқариш эндигина бошланмоқда. Жумҳурият мулкининг белгиланиши, регионал иқтисодиётни бошқаришда унга катта ҳуқуқ ва ваколатлар берилишини эслаш кифоя. Бироқ бу жараён жуда секин ва оғир кечмоқда. Гап шундаки, унинг мақбул тарзда ўтиши учун фақат қарорнинг ўзигина етарли эмас. Бунда аввало мавжуд иқтисодий ва маънавий-руҳий шароитни ҳисобга олиш зарур. Чунки биз шу вақтга қадар шахсий мулкнинг тақдири нима бўлишини, уни қандай доирада ҳал этиш кераклигини, гарчи қонун эълон қилинган бўлса-да, аниқ билмаймиз. Қолаверса, мулкчиликнинг турли шаклларини тенг ҳолатда юритишнинг шарт-шароитларига эга эмасмиз. Масалан, агар давлат корхоналари ўзларининг янада ривожланишлари ва маҳсулотларининг рақобат қобилиятини оширишлари учун катта пул маблағи, моддий базага эга бўлсалар, кооператорлар, ижарачилар, айрим шахсларда бундай имкониятлар йўқ. Бинобарин, уларнинг давлат тасарруфидан чиқариш жараёнига қўшилиши қийин. Шу муносабат билан ҳуқуқий, молия-кредит, иқтисодий ва бошқа тадбирлар асосида мулкнинг муқобиллик шаклари вакилларига давлатдан ишлаб чиқариш воситаларини ҳам, корхоналарни ҳам сотиб олиш имконини беруви самарали механизм яратилиши керак.

Мамлакат иқтисодиётини давлат тасарруфидан чиқариш жараёни дастлаб маиший хизмат кўрсатиш ва маҳаллий саноат корхоналаридан бошланганининг боиси бор. Булар фонд ҳажми камроқ тармоқлар бўлиб, ишлаб чиқариш қуввати унчалик катта эмас. Кейинги босқичда уни моддий ишлаб чиқаришнинг йирик соҳаларига ҳам кенг жорий этиш зарур.

Ўзбекистонда мулкни минтақанинг ихтисослашганлигини ҳисобга олган ҳолда хусусийлаштириш деҳқончилик-саноат мажмуаси корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш билан боғлиқдир. Гап қишлоқ хўжалиги ҳамда қайта ишлаш тармоқлари корхоналари ҳақида бораркан, бунда фақат зарар келтирадиганларига таянмасдан, мазкур жараёнга яхши ишлаб турган корхоналар киритилиши лозим. Чунки улар ўз самарадорлигини яна оширишлари мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқариш босқичма-босқич, мулкнинг у ёки бу шакли «ўзлаштирилгач» амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Сабаби — жумҳуриятда ижара жамоалари, кооперативлар тузиш учун шароит етилган, аммо мулкнинг акционер ва шахсий хўжалик сингари шакллари ҳали такомиллашмаган.

Ҳозир жумҳурият қишлоқ хўжалигида 1915 та хўжалик ишлаб турибди. Уларнинг 1600 таси деҳқончилик, 315 таси эса чорвачилик йўналишида бўлиб, тармоқдаги умумий зарар 32 миллион сўмни ташкил этади. Шу боис биринчи босқич — 1991—1993 йилларда дастлаб зарар келтирадиган хўжаликларни давлат тасарруфидан чиқариш зарур. Деҳқончилик билан шуғулланадиган 763 та давлат хўжалигидан 391 тасининг ерларини ижарачиларга фойдаланишга бериш, шу тариқа 327 та ижара ва 64 та фермер жамоаси тузиш мумкин. Булар сабзавот, мева ва картошка етиштиришга ихтисослаштирилади. Чорвачиликда эса 65 та давлат хўжалиги негизида фермер хўжаликлари ташкил этилади. Мазкур фермаларда 29 минг нафаргача одам меҳнат қилиши мумкин. Бу босқичда индустриал технологияга таянувчи паррандачилик ва чўчқачилик соҳасининг давлат қарамоғида қолдирилиши мақсадга мувофиқ.

Шундай қилиб, иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқаришнинг биринчи босқичида 1915 та хўжаликдан 1357 таси қолади. Унинг 500 таси давлат, 857 таси жамоа хўжалигидир. 440 та хўжалик ерлари ижарага берилади, 129 та хўжалик негизида эса фермер жамоалари ривожланади. Қишлоқ хўжалигида банд бўлган 1 миллион 810 минг нафар кишидан 72 фоизи колхоз ва совхозларда меҳнат қилади, 22 фоизи ижара билан шуғулланади, 6 фоизи фермер хўжаликларида ишлайди.

Кейинги босқич — 1993—1995 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш навбати пахтачиликка келади. Бунда 364 та жамоа ва давлат хўжалиги ерлари ижарага берилгани маъқул. Биринчи босқичда барпо этилган, сабзавотчиликка ихтисослашган 327 та ижара хўжалигида 64 тагача фермер жамоаси тузиш мумкин. Паррандачиликда эса бундай хўжаликлар тузиш учун қарийб 30 та ишлаб турган жамоанинг берилиши кифоя.

Пировардида XIII беш йиллиқнинг ўзида давлат тасарруфидан чиқариш туфайли колхозлар ва совхозларда банд бўлганлар ҳиссаси 49,9 фоизни ташкил этади. Асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати ҳиссаси ижара жамоаларида қишлоқ хўжалигидаги жами фонд қийматининг 30,5 фоизига, фермер хўжаликларида эса 11,5 фоизига тенг бўлади.

Бизнинг ҳисоб-китобимизга кўра, давлат тасарруфидан чиқариш натижасида қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш ҳажми аҳолининг сабзавот ва мева маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини истеъмол маромлари даражасида қондириш, ташқаридан картошка келтиришни камайтириш, жумҳуриятнинг экспорт потенциалини кўтариш имконини беради. Беш йил мобайнида тармоқдан олинадиган фойда 2,3 миллиард сўмдан 4,2 миллиард сўмга кўпаяди.

Деҳқончилик-саноат мажмуаси қайта ишлаш корхоналарини давлат тасарруфидан чиқаришни ҳам норентабелли корхоналардан бошлаш, бу жараённи босқичма-босқич амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Ҳозир тармоқда 30 га яқин шундай корхона мавжуд бўлиб, ҳамма 50 минг сўмдан 3 миллион сўмгача зарар келтирмоқда. Буларда 10 минг нафардан ортиқ одам банд. Бу тоифага мансуб корхоналар негизида акционер корхоналар тузиш учун уларни меҳнат жамоаларига топшириш мумкин. Ходимлар ва аҳоли маблағларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сафарбар этиш орқали унинг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланади. 100 минг сўмгача фойда оладиган, лекин асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати 1—2 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган корхоналар кейинчалик сотиб олиш ҳуқуқи асосида ижарага берилади. Уларнинг сони 88 тага етади.

Мева ва сабзавотни қайта ишлайдиган, пиво пиширадиган, пахта тозалайдиган, шунингдек, ёғ-мой, спиртсиз ичимликлар ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарида акционерлар ҳамда ижара жамоаларини ташкил этиш мумкин. Бунда ўз молиявий воситаларини сафарбар қилиш, харажатлар даражасини пасайтириш йўли билан техник даражага ўсиш асосида озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми ва турлари оширилади, унинг сифати яхшиланади.

Шу билан биргаликда мавжуд консерва, гўшт, сутсир (пишлоқ), балиқ (дудлаш) корхоналарининг айрим цехларини сотиб олиш ҳуқуқи асосида кооперативларга топшириш мақсадга мувофиқ. Унчалик катта бўлмаган оби нон цехлари ва шакарпазлик корхоналарини эса ижарага бериш ёки айрим шахсларга сотиш мумкин. Тахминий чамаларга кўра, тармоқни давлат тасарруфидан чиқариш 40 миллион сўмдан кўпроқ қўшимча фойда олиш имконини беради.

XIII беш йиллик мобайнида жумҳурият деҳқончилик-саноат мажмуаси корхоналарини давлат тасарруфидан чиқаришнинг таклиф қилинаётган йўллари шу жараённинг бошланғич босқичидир, холос. Кейинги йилларда у давом эттирилиши, иқтисодиёт давлат секторларига қарашли хўжаликларни бошқаришнинг муқобил шаклари билан бирга қўшиб олиб борилиши керак. Ниҳоят, молия-кредит, банк ва ҳуқуқий системалар нигоҳларини ижарачиларга, корхона эгаларига ва меҳнат жамоаларига қаратишлари лозим. Оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳол мамлакат иқтисодиётини давлат тасарруфидан чиқариш жараёнини тезлаштиришга ёрдам беради.

У. НОРОВ,
иқтисод фанлари номзоди.

САНОАТНИНГ ҚИШЛОҚДАГИ ОДИМЛАРИ

БУЛОҚБОШИДА ИП ЙИГИРИЛАДИ

Булоқбоши фақат Хўжаободнинг эмас, балки Андижон вилоятининг аҳоли зич яшайдиган катта қишлоқларидан бири. Бу ерда ўн минг киши истиқомат қилади. Ишчи кучи кўп бўлишига қарамай илгари Булоқбошида саноат корхонасини барпо этиш режалаштирилмаган эди. Одамлар узоқларга бориб ишлаб келишга мажбур бўлишарди.

Ниҳоят 1988 йилнинг апрель ойида дастлабки йирик саноат корхонасини қуришга киришилди. Фарғона водийсидаги аҳолини иш билан таъминлаш ва уни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган ҳаракат дастурига мувофиқ Булоқбоши йигирув фабрикаси барпо этилаяпти. Ў тўла фойдаланишга топширилгач, мингдан ортиқ киши ишли бўлади. «Андижонирстрой» трестининг Хўжаобод механизациялашган кўчма колоннаси бош пудратчи бўлган мазкур қурилишда яна ўн тўртта ёрдамчи пудратчи ташкилотнинг қариб 250 нафар бинокори ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда. Иш бошланганидан бери барча юмушлар лойиҳа-смета ҳужжатларида кўрсатилган ҳажмда, белгиланган муддатларда адо этиляпти. Ҳозирги пайтга келиб қурилиш-монтаж ишларининг асосий қисми якунланиб, сайқал бериш бошлаб юборилди.

— Йигирув фабрикаси шу йилнинг охирида фойдаланишга топширилиши зарур, — дейди Хўжаобод механизациялашган кўчма колоннаси бош инженери Абдуғани Тешабоев. — Қурувчиларимиз йил бошидан бери белгиланган топшириқларни ошириб адо этиб келмоқдалар. Шунинг учун ҳам фабрика қурилишини белгиланган муддатдан икки ой илгари, яъни Улуғ Октябрь байрамигача тугаллашга азму қарор қилганмиз. Андижон қурилиш-монтаж бошқармасининг Мадаминжон Қурбонов, Қўрғонтепа механизациялашган кўчма колоннасининг Болтабой Абдужабборов, Шаҳрихон қурилиш-монтаж бошқармасининг Иноможон Давронов етакчилигидаги бўлинмалари бинокорлари ҳам юқори меҳнат унумдорлигига эришишда бошқа ташкилотларга намуна бўлаяптилар. Қурувчилар учун зарур шарт-шароит яратилганлиги ишнинг жадаллашишида муҳим аҳамият касб этаётир.

— Биз қурилишни белгиланган муддатда ёки ундан олдин ниҳоясига етказсак, 50 минг сўмга қадар мукофот пули оламиз, — дейди суҳбатни давом эттирар экан Хўжаобод механизациялашган кўчма колоннаси бригадири Толибжон Ёқубов. — Ойлик иш ҳақимиз ҳам ёмон бўлмаяпти, ўртача 250 сўмдан олиб турибмиз. Ҳозир қурилиш майдонида тўртта комплекс бригада ўзаро мусобақалашиб ишлаяпти. Барча меҳнат жамоалари йил бошидан кўчма колонна билан шартнома тузиб, тўла хўжалик ҳисоби асосида иш юритмоқдалар. Масалан, жамоамиз 3,5 километр узунликдаги канализация тармоғини муддатидан илгари битказиб, теварак-атрофни ободонлаштиришга киришди. Меҳнат беллашуви натижаларига кўра ўтган кварталда бригадамиз биринчи ўринни эгаллаб, пул мукофоти, эсдалик совға билан тақдирланганди. Бу руҳимизни кўтариб, янада унумли ва сифатли ишлашга ундади. Мусобақадошимиз — Шарифжон Буватов етакчилигидаги бригада эришаётган натижалар ҳам чакки бўлмаяпти.

Булоқбоши йигирув фабрикаси қурилишидаги баъзи муаммолар вақтида ҳал қилинса, иш суръати янада юқори бўлиши мумкин эди. Хусусан, қурилаётган тўқимачилик корхоналари бирлашган дирекцияси иккита трансформаторни вақтида етказиб бермаганлиги сабабли электр подстанциясини барпо этиш кечикиб кетди. Бошқа айрим ускуналар таъминотида ҳам узилишлар бўлиб турди. Ҳозирги пайтда бу муаммолар асосан ҳал этилиб, фабрикадаги ишларни тезроқ тугаллаш тарадду ди кўрилмоқда. Андижон вилоятининг қадимий қишлоқларидан бири ҳисобланган Булоқбошида келгуси йилдан ип йигирила бошланади. Қарийб минг киши ишлайдиган ушбу корхона кўҳна масканга янги қиёфа бахш этади.

М. АБДУҚОДИРОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.



Гагарин районидаги «Искра» давлат хўжалиги шолиқорлари ҳаётида қизғин палла бошланди: ўрим-йиғимга киришилди. Бу юмушга 54 та комбайн сафарбар этилган. Уларнинг ёрдамида ҳар гектар ердан 45—46 центнердан — белгиланганидан 11 центнер кўп қирмизи дон саранжомланаяпти. Ялпи ҳосилнинг учдан икки қисми, яъни 6818 тоннаси давлатга сотилади.

СУРАТЛАРДА: 1. Комбайнчи Жума Ҳоқилов (чапдан), бригада бошлиғи Шоди Хушбоқов, агроном Шариф Бўриев, бўлим бошқарувчиси Қоржов Дўсанов, механизаторлар Ринат Аҳмедшин ва Шопўлат Абдужабборов. 2. Ўрим-йиғим пайти.

И. ХЎЖАЕВ олган суратлар.
(ЎзТАГ).

ҚАРДОШЛИК ВА ЭЗГУЛИК ҒОЯЛАРИ

Муҳаддис ва мутафаккир ат-Термизий таваллуди нинг 1200 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Имом ат-Термизий маънавий мероси ва ҳозирги замон» халқаро анжуманининг иштирокчилари унинг якунларини мусулмон дини тарихини тушунишда олға ташланган катта қадам деб баҳоладилар. Улар бу фикрни 18 сентябрь куни журналистлар билан бўлиб, ўтган учрашувда билдирдилар.

Анжуманга 16 мусулмон мамлакати ўз делегацияларини юборди. Унда халқаро ташкилотлар — Жаҳон ислом уюшмаси, Жаҳон ислом конгресси, Ислом даъвати ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари ҳам иштирок этишди.

Анжуманда йигирмадан знёд маъруза қилинди. Олимларнинг тадқиқотлари Имом ат-Термизий тўплаш ва қайта ишлаш билан шуғулланган ҳадислар — Муҳаммад пайғамбар тўғрисидаги ривоятлар — Шарқнинг ўзига хос масалаларигагина тааллуқли бўлиб қолмасдан, шу билан бирга ҳозирги замоннинг долзарб муаммолари билан ҳам узвий боғлиқ эди. Ҳар бир маърузада ҳадислардаги юксак маънавийлик, софдиллик, адолат, инсонга муҳаббатни тарғиб этувчи ғоялар ва қоидаларни ривожлантиришга ҳамда одамларга етказишга даъват янгради. Кўпгина нотиқлар Ўзбекистондаги диндорлар ва ёшлар билан яқинроқ танишганларидан кейин бу ишнинг жумҳуриятимизда қай тарзда амалга оширилаётганлигидан қаноат ҳосил қилганликларини билдирдилар.

«Мусулмонлар қайси мамлакатда яшашларидан қатъий назар биродарлик муносабатлари, ўзаро ёрдам бериш ҳамиша уларга хос фазилат бўлган. Ўзбекистон мусулмонлари ҳозирги пайтда бошқа мамлакатлардаги мўмин-мусулмонлар билан айни шундай муносабатдадирлар», — деди Тунис дин ишлари министрлигининг вакили Муҳаммад Салоҳиддин. У буни оддий одамлар билан учрашувлардагина эмас, шу билан бирга Ўзбекистон ҳукуматига раҳбарлик қилаётган Ш. Р. Мирсаидов билан суҳбат чоғида ҳам аниқ ҳис этганлигини таъкидлади. Суҳбат чоғида биродарлашган шаҳарлар дўстлиги, Тунис мутахассисларининг Ўзбекистондаги бир қанча тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ва реконструкциялашдаги ёрдами, мадрасалар талабалари гуруҳларини бир-бирларининг мамлакатларига юбориш каби ҳамкорликнинг аниқ шаклларини ҳар икки томон маъқуллади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармаси раисининг ўринбосари З. Қодиров, чет эл делегацияларининг журналистлар ҳузурида сўзлаган раҳбарлари анжуманга якун ясаб, мунозараларнинг мазмунли бўлганини, бутун учрашувнинг юксак самара билан ўтганини таъкидладилар. Улар ана шундай анжуманларни мунтазам равишда ўтказиб туриш керак, деб истак якуний ҳужжатда қайд этилди.

Анжуман қатнашчилари Ўзбекистонда бўлиш, мўминлар турмуши билан танишиш, ўз биродорлари билан бирга намоз ўқиш имкониятини берганликлари учун жумҳурият раҳбарларига, руҳонийларга самимий миннатдорчилик билдирдилар.

Журналистлар билан учрашувда уларнинг кўплаб саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

(ЎзТАГ).

Шаҳрисабз районидаги В. И. Ленин номли давлат хўжалиги асаларичиликка ихтисослаштирилган. Совхоз илгари ўз маҳсулотларини савдо шохобчаларига катта идишларда етказиб берарди. Яқинда хўжаликда янги цех қурилиб, ишга туширилди. Бу ерда асал шиша идишларга солиниб, қадоқланган ҳолда истеъмолчиларга етказиб берила бошланди. Бу ҳар жиҳатдан манфаатлидир: биринчидан харидорларга қулайлик яратилди. Иккинчидан, совхоздаги мавжуд ишчи кучлари кичик корхонага жалб этилди. Учинчидан, давлат хўжалиги тайёр маҳсулот чиқараётганлиги туфайли унинг йиллик соф фойдаси 90—100 минг сўмга кўпайди.

СУРАТДА: янги цех ходимларидан Райҳон Мейлиева, Зебо Эргашева, Гулсара Жўраева, Хосият Ҳайдарова ва Озода Раҳмоновалар тайёр маҳсулотлар омборида.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат.
(ЎзТАГ).

БЕЖИРИМ БЎЛСИН ДЕБ

Бухоро вилояти Ромитан районидаги кенг истеъмол моллари фабрикасида кейинги йилларда қолоқлик сабаблари пухта ўрганилиб, ички имкониятлардан самарали фойдаланилаётганлиги туфайли қувончли ютуқлар қўлга киритилаётир. Корхона илғорлар сафидан ўрин олмоқда.

Фабрика маъмурияти район ижроия комитети ҳузуридаги аҳолини иш билан таъминлаш бўлими билан ҳамкорликда корхонанинг яна бир кичик цехини очишга муваффақ бўлди. «Октябрь 50 йиллиги» давлат хўжалигининг Қалайчорбоғ қишлоғида очилган бу бўлимга гиламча ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Шуниси диққатга сазоворки, ана шундай кичик корхонанинг очилгани ўнлаб кишиларни иш билан таъминлаш имконини берди.

Маълумки, яқинда Бухорода халқ инқилобининг 70 йиллиги кенг нишонланди. Юқорида тилга олинган цех ишчилари ҳам байрамга муносиб совға ҳозирлашди. Улар қадимий Бухоронинг тасвири туширилган 500 гиламчани шаҳарликлар ва меҳмонларга тухфа этишди.

— Бўлинмамизни кенгайтириш имкониятлари мавжуд, — дейди цех бошлиғи З. Жумаев. — Ҳозирча ҳар ойда қарийб 7 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаяпмиз. Шу жойда тикув бўлимини очишимиз билан ишлаб чиқариш суръати янада ошади. Ўшанда ойида 10—12 минг сўмлик иш бажариш имкониятига эга бўламиз.

Дарҳақиқат, цехни кенгайтириш ва бошқа қишлоқларда ҳам шундай кичик корхоналарни очишнинг имкониятлари қидирилмоқда. Шуни мамнуният билан айтишимиз мумкинки, Қалайчорбоғ қишлоғидаги кичик цехда тайёрланаётган, қадимий ва навқирон Бухоронинг тасвири туширилган бежирим гиламчаларни чет эллик меҳмонлар ҳам катта қизиқиш билан бажонидил сотиб олишмоқда. Улар Шабон Боқиева, Муҳаррам Раззоқова, Замира Номозова сингари ишчиларнинг қўлида сайқал топаётир. Ишлаб чиқариш пешқадамлари ўзларининг ойлик топшириқларини 120—130 фоиз бажариб, ҳамкасбларига намуна бўлишаяпти.

С. БЕШИМОВ.

ШАХСИЙ МОЛЛАР ҲАМ СЕМИРМОҚДА

Ўзбекистон 50 йиллиги номли совхоз меҳнаткашлари ўз сигир ва бузоқлари учун ем-хашак сотиб олгани бозорга эмас, балки хўжаликнинг озуқа омборига боришмоқда. Президент фармонига амал қилиб, бу ерда аҳолига қисқа муддат ичида қирқтадан знёд сигир, юз элликтага яқин қўй ва қарийб бир ярим мингта товуқ ва жўжа сотилди.

Хўжалик маъмурияти шу жониворларни ем-хашак билан таъминлаш тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилди. Совхоз мол эгаларига ҳозирнинг ўзидаёқ 60 тоннадан знёд дон, беш юз тоннадан кўпроқ кўк масса ва уч юз тоннадан ортиқ силос сотди. Хуллас, шахсий моллар ҳам семиряпти.

Фарғона вилояти.

ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИ КАТТА ЎЗГАРИШЛАР АРАФАСИДА

Жумҳурият Журналистлар уюшмаси ўз ишини тубдан қайта қуриш тараддудини кўрмоқда. Асосий вазифа нуфуз, сиёсий таъсир кўрсатиш жиҳатидан ва иқтисодий масалада мустақил бўлиш, журналистлар ташкилотларининг ижодий алоқаларини ривожлантиришга, оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб-кор маҳоратини оширишга кўмаклашадиган, уларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган ҳақиқий уюшмага айланишдан иборат.

Шу йил ноябрь ойида жумҳурият ташкилоти бошқарувининг пленумини ўтказишга қарор қилинди. Унда Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси съездини чақириш, унинг устави, федерация ва шартнома асосларида СССР Журналистлар уюшмасига кириш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилади.

Уюшманинг таркибий тузилишини, унинг фаолияти йўналишлари ҳамда раҳбар органларини қайта кўриб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлаш учун комиссия тузилди.

Ана шу масалалар Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бошқаруви президиумининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида муҳокама қилинди.

ОДАМДА НИМА ГАП

ЭЛЧИНИ ЧАҚИРИБ ОЛИШ ТАЛАБИ

ИСЛОМОБОД. (ТАСС). Покистон ички ишлар вазири вазифасини бажарувчи Зоҳид Сарфроз АҚШ элчиси Роберт Оуклини мамлакатнинг ички ишларига аралашишда айблади. Америка дипломатининг ўтган ҳафтада Вашингтонда сўзлаган нутқи Исломобод маъмуриятининг вакилининг ғазабланишига сабаб бўлди. Ўз нутқида у Покистон ҳукуматининг собиқ бош вазири Беназир Бхуттога нисбатан қилаётган хатти-ҳаракатларини танқид қилган эди, ҳозир Беназир Бхуттони Исломободда порахўрликда айблаб судга бермоқчи бўлиб туришибди. Унинг эри — машҳур сармоядор Асиф Али Зардори ва Покистон собиқ ҳукуматининг бир қанча вазирлари ҳам жиноий жиҳатдан таъқиб қилинмоқда. Бхутто кабинетининг уч аъзоси ҳозир ҳибсда ётибди.

Оуклн ўз нутқида Бхутто устидан тайёрланаётган судни «бир ёқлама суд мажлиси» деб атади. Фақат Покистон ҳукумати собиқ бошлиғининг «иши» билан чекланиб қолмасдан, айни вақтда 1985—1988 йиллар даврида расмий кишилар ўз лавозимини суиистеъмол этиб, қилган жиноятларни ҳам текшириш одилона иш бўлур эди, деб таъкидлади у. Ўша даврда Покистонда мамлакат ҳозирги муваққат маъмуриятининг кўпгина аъзолари ҳокимият тепасида турар эдилар.

З. Сарфрознинг фикрича, шу гапларни айтганлиги учун АҚШ элчиси Покистондан ҳайдаб юборилишга лойиқ. У АҚШ давлат департаментига мурожаат этиб, Исломободдаги ўз вакилини тезроқ алмаштириш масаласини кўриб чиқишга чақирди.

Айни вақтда Карочи шаҳрининг махсус суди Бхуттони порахўрликда ва бошқа жиноятларда айблаб топширган ишни кўриб чиқмоқда. У айбдор деб топилган тақдирда собиқ бош вазир 24 октябрга тайинланган ялпи сайловда қатнашишдан четлаштирилади, деб таъкидламоқда маҳаллий матбуот. Башартн шундай бўлса, деди яқинда Бхутто, мен бошчилик қилаётган Покистон халқ партияси сайловда қатнашмайди.

ҚОРАДОРИФУРУШЛИК ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

Энди тониш бемаънилик эди. Гурбахш Сингхнинг қопи тинтув қилинганда ундан ичига бир ярим килограмм қорадори солинган чой қутиси топилди. Улар пистирмага дуч келиб қолганларида Гурбахшнинг шериги Пракаш Сингхх ўқ уза бошлади. Чегарачи автоматдан ўт очиб, уни ер тишлатди. Энди эса, Фирозпур шаҳри яқинидаги Ҳиндистон чегара-соқчи полиция бўлимининг ҳоналаридан бирида ўтирган Гурбахш ёшгина, ориқдан келган капитан марҳум ўртоғининг қопидан қорадори солинган халтачаларни олиб, уларни столга қалаштириб ташлаётганини индамай кузатарди.

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, Гурбахш Сингх тергов вақтида Панжоб штатини Ҳиндистондан ажратиб олиш ва мустақил «Холистон» давлатини тузиш учун курашаётган Сикхларнинг террорчи «Бхиндранвал йўлбарслари» ташкилоти уни шериги билан Покистоннинг унча катта бўлмаган чегара аҳоли пунктига юборганлигини, у ерда уларни қорадори билан таъминлагганликларини тан олади. Гурбахш аъзо бўлган жангарилар отрядининг командири унга буйруқ берар экан, қорадори сотишдан тушган пуллар «Сикхларнинг ўз давлати учун олиб бораётган муқаддас курашига» сарфланишини айтган эди. Гурбахшнинг ўзига ҳам 5 минг рупий беришни ваъда қилганди. Уларнинг чегара орқали қайтиб келишларига Покистон офицери ва икки аскар ёрдам беришди. Тунда жип машинасида уларни бутазорлар чирмашиб кетган Ҳиндистон ҳудуди бошланадиган ерга олиб келишди. Яширин сўқмоқни кўрсатишди, ана шу сўқмоқдан соқчилар ва тўсиқлардан қиялаб ўтиб, хавфсиз ерга чиқиб олиш мумкин эди. Лекин Ҳиндистон чегарачиларининг бу сўқмоқдаги пистирмасига дуч келган жиноятчилар ҳар қандай сир эртами, кечми ошкор бўлади, деган турмуш ҳақиқатининг адолатли эканлигига ишонч ҳосил қилдилар.

Бу Покистон ҳарбийлари билан қорадорифурушларининг ҳинд ажрамачилари ва террорчиларидан фойдаланаётганликларининг кўпдан-кўп кўринишларидан биридир. Покистондаги олий даражали ҳарбийлар «қорадорифурушлар» билан оғиз-бурун ўпишиб кетганлиги ҳақида Ғарб матбуоти бир неча марта хабар қилганди. Саксонинчи йилларнинг охирида катта офицерлардан бир неча киши, жумладан генерал Зиёул Ҳақнинг шахсий учувчиси ҳам Скандинавия мамлакатларига ва Яқин Шарққа қорадори олиб кетишаётганида қўлга тушган эдилар. Ҳарбий кийимдаги қорадорифурушларнинг фақат покистонлик баъзи етакчи генераллар билан эмас, айни вақтда диктатор оиласи билан ҳам жиноий алоқада эканликлари хусусида маълумотлар пайдо бўлди. Эҳтимол, балки худди шу нарса уларни қутқариб қолгандир. Ишни секин-аста «йўқ қилиб юбордилар», армиянинг олий мансабдорлари сувдан қуруқ чиқдилар. Лекин Покистон қорадорифурушликка олий даражадаги кишилар раҳнамолик қиладиган мамлакат сифатида танилди.

Афъюн ва сиёсат

Америка маълумотларига қараганда, фақат 1988 йилнинг биринчи ярмида жаҳоннинг турли қисмларида 1100 килограммдан кўпроқ героин, 1130 килограммдан ортиқроқ қорадори ва 27 тоннадан кўпроқ наша қўлга олинган. Буларнинг ҳаммаси Покистондан келтирилган эди. Бу кўпгина мамлакатларда афъюннинг ғайриқонуний йўл билан келтирилишига қарши курашувчи хизмат маҳкамаларига Покистон шаҳарларидан келаётган юкларга катта шубҳа билан қараш, Покистондан келаётган шахсларни қаттиқ назоратдан ўтказиш учун асос бўлди. Покистон қорадорифуруш ларининг уни ғайриқонуний тарзда чет элларга юборишнинг янги йўлларини қидиришларига тўғри келди. Шундай қилиб, улар шу мақсад йўлида афғон мужоҳиддинларидан ташқари Ҳиндистондаги ҳукуматга қарши унсурлардан фаол фойдаланишга киришдилар. Уларга хизмат қилишга фақат Сикх ажрамачиларигина эмас, айни вақтда Жамму ва Кашмир штатидаги уни Ҳиндистондан ажратиб олиш учун курашаётган ва бунда Покистонга умид боғлаётган кўпдан-кўп кўпорувчи террорчи ташкилотларнинг вакиллари ҳам ўтдилар. Қорадорифурушлик қўшни мамлакатдаги ҳукуматга қарши ҳаракатларга Покистон ёрдаминнг муҳим жиҳатларидан бирига айланди. Ҳиндистонда қорадориларни сотишдан ва Ҳиндистон орқали бошқа давлатларга ташиб кетишдан тушган маблағнинг бир қисми Сикх ва Кашмир ажрамачиларига келиб тушади. Исломобод баъзида бунинг эвазига уларга қурол, ўқ-дори, портловчи моддалар етказиб беради.

Ҳиндистонга Покистон билан чегарадош штатлар орқали қорадори муттасил етказиб берилмоқда. Яқинда Ҳиндистон матбуотида хабар қилинганидек, Покистон ҳарбий бўлинмалари қорадорини яширин келтириб сотувчиларга чегарадан ўтишда ёрдам беришга урниб, Ҳиндистон қисмлари билан отишма бошлаб юбормоқдалар. Интерпол бу йил эълон қилган маълумотларга қараганда, Ҳиндистон қорадориларни халқаро миқёсда ғайриқонуний йўл билан олиб кетиладиган асосий тўхтаб ўтиладиган манзил бўлиб қолди. Ҳиндистон ҳудудида ушланган героиннинг ҳамда бошқа қорадориларнинг каттагина қисми бу ерга Покистондан келтирилган.

Ҳиндистон ҳукумати бундай аҳволдан, шунингдек мамлакатда кейинги йилларда афюнфурушлик анча авж олганидан, бангилар сони ниҳоятда кўпайиб кетаётганидан қаттиқ ташвишланмоқда. Покистон қорадорифурушларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари пайини қирқиш зарурлиги тўғрисидаги масалани Ҳиндистон томони икки мамлакат ташқи ишлар вазирлиги котибларининг муносабатларни нормаллаштириш юзасидан музокараларида бир неча марта ўртага қўйди. Ҳиндистон ташқи ишлар вазири И. К. Гужрал яқинда Покистон раҳбариятига мурожаат этиб, шулар ҳақида гапирди.

Лекин аҳвол ўзгармаяпти. Ҳиндистон матбуотида деярли ҳар куни Панжоб, Жамму ва Кашмир штатларига, пойтахтга ва мамлакатнинг халқаро аэропортларига Покистон қорадорисини олиб келувчилар қўлга тушаётганлиги тўғрисида хабарлар пайдо бўлмоқда. Покистонда қорадори мафияси ҳар қандай ҳокимиятдан кучлироқ. Яқинда Ҳиндистон матбуотида хабар қилинганидек, худди шу қорадорифурушларнинг куч-ғайрати билан августоийи бошларида Беназир Бхутто бошчилигидаги Покистон фуқаролар ҳукумати олиб ташланган эди. Унинг онаси Би-би-си муҳбири билан суҳбатда ҳам шулар ҳақида гапирди. Беназир Бхутто ҳокимият тепасида бўлган салкам икки йил мобайнида қорадорифурушларга қарши кураш олиб боришга уринди, бу эса қорадорифурушлар корчалонлари ҳамда уларнинг армия раҳбарлигидаги шерикларига ёқмаслиги аён эди.

Алексей ПОЛЯНСКИЙ,
ТАСС мухбири.
Деҳли.

НОШУД ШИФОКОРЛАР РЎЙХАТИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). АҚШ Соғлиқни сақлаш министрлиги беморларни даволашда хатога йўл қўйган ёки касб-кор одобини жиддий равишда бузган тиббиёт ходимларининг рўйхатини тузиб, бутун мамлакат миқёсида шу рўйхатни компьютер захирасига жойлаб қўйишга киришди.

Ҳозирги вақтда мамлакатнинг айрим шаҳарлари ва штатлари фаолияти шифокорлик қонун-қоидасига номуносиб бўлган шифокорлар ҳақидаги маълумотларни йиғмоқдалар. Аммо бу маълумотлар ҳеч қачон бутун мамлакат миқёсида умумлаштирилмаган эди. Натижада ўз обрўсини тўкиб қўйган медицина ходимлари иш жойларини бемалол ўзгартираверишлари мумкин эди.

Шу йилнинг сентябридан бошлаб Америкадаги касалхоналар, госпиталлар, суғурта компаниялари ва тиббиёт ходимларининг фаолиятини назорат қилувчи маҳаллий идоралар айрим врачларга касб-кор юзасидан жазо берилганлиги ва суд ҳукмлари чиқарилганлиги барча ҳолатлари ҳақида, шунингдек даволашдаги хатода азият чекканларга суд ҳукмидан ташқари пул билан товон тўланганлиги тўғрисидаги барча маълумотларни умуммиллий ахборот захирасига хабар қилишга мажбурдирлар. Бундан буён АҚШдаги барча тиббиёт муассасалари ишга қабул қилиш вақтида ўқувсиз номзодларни аниқлаш имкониятига эга бўладилар.

СМТ ДАСТУРИГА МУВОФИҚ ТАЖРИБА

ВАШИНГТОН. (ТАСС мухбири Игорь БОРИСЕНКО). Стратегик мудофаа ташаббуси (СМТ)ни амалга оширувчи ташкилот тажриба ўтказиб, космосда катта масофадан туриб лазер нурини аниқ мўлжал олдириш имкониятини текширди кўрди.

«Дифенс Ньюс» газетасининг хабар қилишича, инфрақизил лазер нури космосга қаратилиб, 500 километр баландликдаги йўлдошга ўрнатилган кичик бир кўзгуга тўғриланди. Кўзгу қайтарган лазер нури Гавайя оролларидаги ҳарбий объектлардан бирида ўрнатилган 3 метрли нишонга мўлжал олдирилди. «Дифенс Ньюс» газетасининг таъкидлаб ёзишича, СМТни жойлаштириш давомида олис масофадаги лазер нурларини йиғиш аппаратларидан фойдаланиш мумкин экан.

МУАММО ҚЎНДАЛАНГ ҚЎЙИЛАДИ

ОЛДИНГДАН ОҚҚАН СУВНИНГ ҚАДРИ

Яккабоғ районидаги Ўғин қишлоғи яқинида Чиллабулоқ деб аталувчи табиий сув манбаи бор. Унинг шифобахш хусуситти ҳақидаги миш-мишлар бугун ҳақиқатга айланаяпти. Жамоатчи мухбиримиз район марказий касалхонаси бўлим мудири Жўра Тоштемиров билан шу тўғрида суҳбатлашди.

— Чиллабулоқ сувининг қандай наф беришин мумкин?

— Ўзингизга маълум, Яккабоғ ҳудудини жанубий-ғарб томондан тоғлар, қирадирлар ўраб олган. Тоғ жинслари таркибида ҳар хил минерал тузлар ва бошқа кимёвий моддалар бор. Ер ости суви бир неча чақирим жойдан ана шу тоғ жинсларини ювиб ўтиб келади, ўз таркибини минерал туз ва фойдали зарраларга бойитади. Уни инсон манфаатига бўйсундириш мутахассисларимизнинг саъй-ҳаракати, куч-ғайратига боғлиқ. Булоқнинг «кашф» этилиши ҳам қизиқ. Ўша атрофдаги Пастдарғ қишлоғида Олтин Муродов деган киши яшайди. Касби — ўқитувчи. Табиатнинг чинакам шайдоси. 1975 йили у булоқ сувига қизиқиб қолди. Кимё муаллими эмасми, ўзи ишлайдиган мактаб лабораториясида сув таркибини текшириб кўрди. Кузатувларини қоғозга тушириб, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигига жўнатди. Жавоб эса жумҳуриятдан эмас, балки вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари К. А. Абраевдан келди. Унда «Бу сувнинг шифобахшлиги ҳали ўрганилмаган», деган мазмунда жавоб йўлланганди. Ўшандан бери бу масала очиқ қолиб келаяпти.

— Шифокор сифатида булоқ сувининг табиий хусуситлари ҳақида нима дея оласиз?

— Шу йил март ва июль ойларида, яъни икки иқлим шароитида Чиллабулоқ сувини шахсан ўргандим. У Ўғин қишлоғидан 350—400 метрлар чамаси юқорида жойлашган. Устида баҳайбат чинор савлат тўкиб турибди. Кўпчилик бу жойни «Чинор-ота» ҳам дейди. Маҳаллий аҳоли чақалоқлари чилла бўлиб қолганда шу сувга чўмилтириб, хасталикдан фориғ этар экан. Булоқдан эллик литр ҳажмда сув отилиб чиқади. Шишадек тиниқ, ҳарорати қишин-ёзин бир хил. Ёнида яна икки чашма бор. Уларнинг таркиби ҳам Чиллабулоқ билан бир хил. Мен сувдан намуна олиб, лабораторияда текширдим. Кузатув натижалари кўнглимда умид уйғотди. Н. А. Семашко номидаги илмий текшириш институтига бориб, хулосаларимни айтдим. Шу йил июль ойида институт лабораториясининг бошлиғи К. Собиров бошчилигида бир гуруҳ илмий ходимлар келишиб, Чиллабулоқ ва унинг атрофидаги чашмалар сувини синчиклаб текширишди. Маълум бўлишича, минерал сувнинг санитария-эпидемиологик жиҳатдан истеъмолга лойиқ кўрсаткичи ТУ-10, 04, 06, 132, 88 га тенг. Чиллабулоқ суви кам минералашган бўлиб, Молдавия ССРдаги ІК—У рақамли «Лесного» ва Украина ССРдаги «Моршин» санаторийларининг сувлари билан бир хил таркибга эга.

Менинг фикримча, табиат ато этган бу неъмат увол бўлмаслиги керак. Сурункали ошқозон шамоллаши, йўғон ичак, жигар ва ўт йўли, камқонлик, ошқозоности бези, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси, модда алмашинувининг бузилиши ёки болаларда чилла, артрит, артроз, остехондроз, гинекологик ва асаб системаси касалликларини даволашда булоқ сувидан фойдаланилса, яхши самара беради. Н. А. Семашко номидаги илмий-текшириш институти мутахассислари Ўғин қишлоғида ошқозон-ичак, асаб, камқонлик касалликлари билан оғриган беморлар учун камида 100 ўринли санаторий қуришни тавсия қилишди. Бу бир. Иккинчидан, шу институт директори профессор К. Ю. Йўлдошев имзоси билан олинган хатда булоқ атрофида минерал сув ишлаб чиқарадиган цех қуриш таклифи илгари сурилган. Гап раҳбарларда қолди, холос. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, касаба уюшмаси ташкилотларига мурожаат қилдим. Бир-бирларига оширишади. Натижа эса қуруқ. Маблағ йўқ эмиш. Шу ҳам баҳонами? Ҳозирги кунда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш учун янги имкониятларни қидириб топиш мумкин ва лозим. Шуни ўйласанг, ҳалигача амалий иш бошланмаётганлигидан афсусланасан, киши. Юракни ачиштириб келаётган яна бир масала бор. Ҳар йили юзлаб яккабоғликлар юқорида тилга олинган касалликлар бўйича олисдаги санаторийларга йўлланмалар қидириб, сарсон бўлишади. У томонларга бориб келиш осон эмас, албатта. Ёнгинамизда эса шифобахш сув беҳуда оқиб ётибди. Наҳотки уни инсон манфаатига бўйсундириш зарурлиги мутасадди ўртоқларни ташвишлантирмаётган бўлса? Ҳечдан кўра кеч яхши. Бу савоб ишга бугун киришмасак, эртага кўп нарсани бой берган бўламиз.

Суҳбатдош:
А. ЭЛМИРЗАЕВ.

ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

Яқинда жумҳурият пойтахтидаги Кино уйида Энна Бурда жаноби олиялари таъсис этган соврин учун ғўзаллик, назокат, латофат байрами — тикувчи йигит-қизларнинг биринчи минтақалараро танлови бўлиб ўтди. Очиқ айтишимиз керак: томоша унинг иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Хотин-қизлар хушбичим либосларда келдилар. Хоналар гулларга лиқ тўла эди. Меҳмонлар мусиқа садолари остида кутиб олиндилар. Биз ғўё анъаналарга бой ўтмишга, аравалар муҳташам қаср олдида тўхтаган, эркаклар хонимларни илтифот билан кутиб олган даврларга қайтгандек бўлдик.

«Бурда моден» фирмасининг совет вакиллиги Ўрта Осиё минтақасида ўз фаолиятини муваффақиятли бошлаганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Байрам тантанали вазиятда ўтди. Залда хотин-қизларга ёқиб қолган «Бурда» жаридасининг охирги сонларини олиб ўқиш мумкин эди, кийимларнинг йиғма нусхалари, безакларни сотиш ташкил этилганлиги эътиборга молик иш бўлди. Танлов иштирокчилари — тикувчилар бу қунга атайлаб тикилган кийимларни ўзлари билан бирга олиб келиб, уларни сотувга қўйдилар.

— Бу мамлакатимиз енгил саноатида етишмаётган буюмларни тўлдиришга ҳисса бўлиб қўшилганини очиқ тан олишимиз лозим, — деди танлов иштирокчиларидан бири, «Ҳушбичимлик» совринининг соҳиби, мутахассислиги бўйича меъморт-техник Ольга Каливер. — Фақат ақлли, ажойиб жинс вакилаларини чин дилдан севган, чуқур ҳурмат қилган эркакларгина диққатга сазовор байрамни ўтказишга қодирдирлар. Айни чоғда бу ерга бугун кўрганларини эртага бажо қила оладиган тикувчилар келганликларини ҳам таъкидлаш лозим. Лекин мусобақа совринлари менга тегмаганлигидан зарача хафа бўлганим йўқ. Ёдда узоқ вақт сақланиб қоладиган бундай тантанада қатнашганимнинг ўзи мен учун бахтдир.

Ҳа, шундай. Саҳнага чиққанларнинггина эмас, одамлар билан лиқ тўла залда ўтирганларнинг юзларида ҳам севинч аломатларини кўриш мумкин эди. Ораорада эстрада артистларининг чиқиб туришлари танловга ўзгача кўрк ва файз киритди. Таркибига матбуот ходимлари, кинематографчилар, модалар уйи вакиллари, рассомлар, йирик фирмалар ва корхоналарнинг раҳбарлари кирган нуфузли ҳайъат танлов ғолибларини эълон қилган лаҳзалар ҳаммани қаяжонга солди. Ҳар тонфада уч совриндор аниқланиши керак эди. Аммо уларнинг фақат биринчи ўринни эгаллаганларигина Москвада ўтадиган якунловчи танловда қатнашиш ҳуқуқига сазовор бўларди. Уларни қизиқиш уйғотадиган мукофотлар: платинадан ясалган бриллиант кўзли безаклар, «Мерседес» автомобили, Кариб ҳавзасидаги мамлакатлар бўйлаб саёҳатга йўлланмалар кутарди. Тошкентлик муҳаррир Елена Шашкова, олмаоталик Гайша Утешева, целиноградлик катта лаборант Галина Тишкевич уларнинг соҳиблари бўлдилар.

Ғолибларни табриклар эканмиз, эртадан башорат бериб ўтирмаймиз ва яна танловга қайтамиз: «Бурда моден» деган сўзларга ўхшаш иккинчи «Спонсор» номли сеҳрли калом пайдо бўлди. Усиз бирон-бир иш қилиш қийин. Тан олиш керак: «Энна Бурда» совринини олиш учун танловда бунга ҳожат қолмади. Ташқи нашрлар савдосининг Ўрта Осиё бўлими, савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Тошкент ташқи савдолар фирмаси, «Атмосфера» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узинпекс» амалий ҳамкорлик уюшмаси вакиллари ғолибларга мукофотларни топшардилар.

— Минтақани ривожлантиришга имкон берган ҳар қандай тадбир учун молиявий кўмакка тайёрмиз, — деди «Шарқ» банкининг бошқарувчиси В. Ғ. Ғуломов. — Жумҳурият тобора мустақил бўлиб бораётган шу кунларда она диёримиз тараққий қилиши, гуллаб-яшнаши учун ҳар биримиз қўлимиздан келган барча ишларни бажаришимиз лозим.

Бу ташкилот олий ҳиммати билан танилмоқда. «Шарқ» банки Болалар фонди, Хайрия ва Қизил Ярим ой жамияти фондлари учун ҳисоб очганлигини таъкидлаш зарур. Жумҳурият келажаги, тақдири учун жон куйдираётган бундай жамоалар қани кўп бўлса.

Бу катта тадбирни уюшқоқлик билан ўтказиш ташвишлари орқада қолган шу пайтда биз «Бурда моден» фирмасининг совет вакиллиги истиқболи тўғрисида тинч вазиятда, хотиржам гап юритишимиз мумкин. Танлов ўз йўлига, олдинда катта ишлар турибди. Минтақамиз миқёси кенглиги изчил фаолият юритиш лозимлигини кўрсатади.

— Биринчи босқичга мингдан зиёд сурат келди, — дейди «Бурда моден» фирмасининг совет вакиллиги директори, байрам ташкилотчиси Гулнора Олимжоновна Қаюмова. — Шунинг ўзи ҳам нафақат хотин-қизларимиз, ҳатто эркаклар сўнгги русумга мувофиқ равишда кийинишга интилаётганларидан далолат беради. Буни ҳисобга олиб, мазкур танловларни ҳар йили ўтказишни мўлжаллаяпмиз. Бир ойдан сўнг маслаҳат бериш марказини очамиз. Бу ерда тўқиш, тикиш, «Бурда моден» жаридасининг янги сондарини сотиш ташкил этилади. Очиладиган янги кутубхонада эса русумлар жаридасининг тахламлари, маслаҳат маълумотномалари тўпланади. Кийимларни бичиш ва тикиш усталари ишлайдилар.

Қисқаси, нафақат аёллар, ҳатто эркаклар ҳам истаган нарсани бу ердан топиш имкониятига эга бўладилар. Эркаклар русумга қизиқишаётганлигини шундан ҳам билиш мумкинки, танловда қатнашган Владимир Ибодов иккинчи ўринни эгаллаб, «Келишганлик», «Томошабинлар хайриҳоҳлиги» совринлари билан бирга Болгарияга саёҳат қилиш йўлланмасини қўлга киритди. Оператор Михаил Поздняк, чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси Сергей Пискарев ҳам алоҳида мукофотларга сазовор бўлдилар.

Бунга ажабланманг. Негаки, эркаклар қадим замонларда энг яхши тикувчилар бўлганлар...

Ф. ШОКИРОВА.

Назм дафтаридан

БЎЛСА ДЎСТ

Хуш кечар умрнинг сенинг,
меҳрибонинг бўлса дўст,
Чин қадрдону чин улфат,
соябонинг бўлса дўст.
Дўст эмас ул тушганда
бошга иш юрса қочиб,
Бор ёмон-яхши кунингда
посбонинг бўлса дўст.
Бўлса дўст шамъи шабистон,
дардга дармон бегараз,
Нақди имон бўлса дўст,
жону жаҳонинг бўлса дўст.

Тоза осмон бўлса бошда
нур сочиб хуршиднамо,
Жавҳари жонинг сенинг,
меҳри раҳшонинг бўлса дўст.
Ҳар қадамда бўлса қалқон
сен учун мардонавор,
Сақласа шаънингни-ю марди
майдонинг бўлса дўст.
Ошиқ Эркин бошга тож эт
ундайин чин дўстни сен,
Меҳрибони бўл абад
чин меҳрибонинг бўлса дўст.

ХАЛҚИМ

Омон сақла тилингни, она халқим,
Тушурма унга доғ, мардона халқим.

Дур бирла жавоҳир сенинг ҳар сўзинг,
Ҳар каломинг ғазал дурдона, халқим.

Сенинг сўзинг била жаҳонда машҳур
Навоийдек бобом, эй доно халқим.

Сўзинг ҳар нуқтасида мингта маъний,
Ҳар маънинг бир китоб, фарзона халқим.

Бебаҳо бир гажак ҳусни хатинг ҳам,
Тегизма унга ғард, ҳайрона халқим.

Бек бўл сен ўзингга, эй Ошиқ Эркин,
Юқтирма зарра доғ имона, халқим.

ВАТАН

Ватан муҳаббатни
Куйлайин мен ҳам,
Меҳрим оҳангларин
Торга этиб жам.

Орзуйим — ҳар парда
Камалак бўлсин,
Ипак садоларга
Белансин олам.

Шайдолигим
Достон этай гулзорда,
Барча булбуллари
Бўлсинлар хуррам.

Наврўз чечаклари
Бош чайқаб турсин
Сокин ранг тўкканда
Қўлимда қалам.

Обод диёр аро
Қолмасин асло
Шеърдан, ғазалдан
Бебаҳра одам.

Муаззам Ватанда,
Эй Ошиқ Эркин,
Умрингни этолгин
Девон муаззам.

Эркин МАДРАҲИМОВ.

Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳрида болаларга аталган янги комплекс қурилиб, фойдаланишга топширилди. Унга «Эртаклар дунёси» номи берилди. Бу ерда мультипликацион ва болалар фильмлари намойиш этиладиган томошагоҳ, сайроқи қушлар ва жониворлар, ўйналадиган автоматлар хоналари бўлиб, улар кичкинтойлар хизматида.

Ўқувчилар машғулотлардан бўш вақтларида «Эртаклар дунёсида» келиб, кўнгилларини чоғ этадилар

СУРАТДА: «Эртаклар дунёси»нинг кўриниши.

Ш. АЛИМОВ олган сурат.

Спорт хабарлари

ЧИМ ХОККЕЙИ

Олий лигада қатнашаётган аёллар командалари ўртасида совринли ўринларни эгаллаш учун қизғин қуроллар бораяпти. Буни навбатдаги учрашувлар ҳам, аёллар исботлади. Таъкидлаш жоизки, жумҳуриятимиз вакиллари ғалдаги матчларда ўзларини кўрсатиб, муҳим очколарни қўлга киритдилар. Жумладан, Андижоннинг «Андижанка» командаси ўйинлар жадвалида карвонбошилик қилаётган Борисполнинг «Колос» коллективи билан бўлган учрашувларни юқори савияда ўтказди. Биринчи матчда ҳамюртларимиз 1:0 ҳисобида устун келдилар. «Андижанка»га ғалаба келтирган тўпни Аветисян ўз ҳисобига ёзди.

Такрорий учрашув андижонликларнинг тўла устунлигида ўтди. Майдон бўйлаб фаол ҳаракат қилиб, ўйин охиригача ташаббусни қўлдан бой бермаган «Андижанка» хоккейчи қизлари пешқадамни йирик ҳисобда (4:0) доғда қолдирдилар. Натижада андижонликлар тўплаган очко бўйича «Колос»га етиб олдилар.

Пойтахт вилоятининг «Политотдел» командаси хоккейчи қизлари ҳам ўтган турда қўш ғалабага эришиб, мухлисларини хушнуд этдилар. Улар Боқуда маҳаллий «Робитачи» командасининг меҳмони бўлдилар. «Политотдел» илк учрашувда 2:0 ҳисобида устун келди. Такрорий ўйинда эса 1:0 ҳисобида ғолиб чиқди.

Бухоронинг «Технолог» командаси Киевнинг «Роксолана» коллективи билан бўлган учрашувларда 3 очко қўлга киритди — 1:0, 0:0.

Биринчиликда 34 тадан очко жамғарган «Андижанка» ва «Колос» пешқадамлик қилишаяпти. Учинчи ўринни эгаллаб турган Олмаотанинг «Связист» командасида 33 очко бор. 29 очко тўпланган «Политотдел» тўртинчи ўринда бораяпти.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Волгоградда биллур соврин — мамлакат кубоги учун ўтказилган мусобақалар ниҳоясига етди. Маҳорат ва чаққонлик кўригида жумҳуриятимиз вакиллари муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни эгалладилар. Айниқса, найза улоқтириш ҳадисини олиб бораётган Дмитрий Полонин юксак натижага (82 метр 46 сантиметр) эришиб, мутахассису мухлисар эътиборини қозонди. Шунисси қувонарлики, Дмитрий халқаро классдаги спорт устаси талабини ошириб бажарди.

Умуман мамлакатимизнинг саккиз командаси иштирок этган турнирда жумҳуриятимизнинг бошқа спортчилари ҳам ўзларини кўрсатдилар. Масалан, Самир Тошпўлатов уч ҳатлаб сакрашда 16 метр 55 сантиметр натижа билан ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилди.

400 метрли масофага тўсиқлар оша югуришда Сергей Печерский марра чизиғига иккинчи бўлиб етиб келди. 100 метрга югуришда Анвар Кўчмуродов иккинчи ўринни эгаллади. Баландликка сакрашда Вячеслав Аристов яхши натижага эришиб, устозлар ишончини оқлади. Фарғоналик Ирина Оноприенко узунликка сакрашда (605 сантиметр) бронза медалини қўлга киритди.

Жумҳуриятимиз вакиллари команда ҳисобида бешинчи ўринни эгаллашди. Эслатиб ўтамиз: енгил атлетикачиларимиз ўтган йили ўтказилган кубок мусобақаларида еттинчи бўлишганди.

ФУТБОЛ

Мамлакат биринчилигининг олий лигасида ягона учрашув бўлиб ўтди. Ўйинлар жадвалининг охирги поғонасини эгаллаб турган Волгограднинг «Ротор» командаси Харьковнинг «Металлист» коллективини қабул қилди.

Ўйиннинг биринчи бўлими 1:1 ҳисобида тугади. Танаффусдан сўнг меҳмонлар майдон эгалари дарвозасига иккинчи тўпни йўллашди. Натижада «Металлист» 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

Самарқанд давлат моддий-техника таъминоти бўлимининг тижорат марказида очилган саноат маҳсулотларининг Бутуниттифоқ ярмаркасида 30 шаҳардан келган 90 дан ортиқ ташкилот ва корхона қатнашди. Халқ истеъмоли моллари, техникавий асбоб-ускуналар, қурилиш ҳом ашёлари, нурли тасвир ва радио асбоблари намойиш этилди. Расталарнинг уюштирилишидан мақсад корхоналарга зарур маҳсулотларни топишда ёрдам бериш ва тижоратни ривожлантиришдир. Бу сафар корхоналараро олди-берди муносабатлари анча кўпайди. 3 миллион сўмлик савдо-сотиқ ишларига шартнома тузилди.

СУРАТДА: Гонконгнинг «Тексуна интернейшнл лимитед» фирмасининг кўргазмаси.

Р. ҒОФУРОВ олган сурат. (ЎзТАГ).

ЮРТДОШ ШАРАФИГА

«Маданият» совхозининг биринчи бўлимида йигирмата замонавий коттеждан иборат янги кўча пайдо бўлди. Аҳолининг таклифига биноан бу кўчага Ўзбекистон халқ шоири Зокиржон Ҳабибий номи берилди. Бу йил унинг юз йиллик юбилейи нишонланади.

Янги уйлар баҳорда кучли жала ва сув тошқинлари пайтида бошпанасига зиён етган қаҳрамон оналарга, уруш қатнашчиларига ва меҳнат ветеранларига берилди.

Томоқа майдонлари, ҳовлисида молхона ва қўйхоналари бўлган янги уйдар «Андижанирстрой» трестининг маҳаллий механизациялашган кўчма колоннаси хўжалиги маблағи ҳисобига қурилди. Қишлоқ қурувчилари шу йил охиригача ва келаси йили хўжалик ҳудудида совхоз ишчилари мутахассислари учун яна 80 та типовой коттеж ҳамда 140 ўринли болалар боғчаси қуриб бериш мажбуриятини олдилар.

Андижон вилояти.

ШИНГИЛ ҲАНГОМА

ЖАЗО

— Сен нима учун жазо олгансан?

— Олибсотаровни таниқид қилган эдим.

— Сен-чи? Қандай гуноҳ қилгансан?

— Олибсотаровни кўкларга кўтариб мақтаганман.

— Сен-чи?

— Мен Олибсотаровнинг ўзинман...

ФОЖИА

Драматургдан бир таниши:

— Сўнгги ёзган пъесангиз комедиями? — деб сўради.

— У аслида комедия. Агар томошабинлар уни яхши қабул қилишмаса, фожиа бўлади-да.

ЯРМИ ПУЧ

Пенсияга кетаётган профессор талабалар билан хайрлаша туриб бундай деди:

— Менинг навқирон дўстларим! Бир нарсани очиқ-ойдин айтишни ўзимнинг бурчим деб биламан: ўргатганларимнинг ярми пуч нарса, аммо қайси ярми эканини ўзим ҳам билмайман.

МАСЛАҲАТГЎЙ

— Ўртоқ директор, хотиним сиздан маошимни оширишингизни илтимос қилди.

— Яхши. Хотиним билан маслаҳатлашиб кўрай-чи.

Тўпловчи: Е. ШОЙНАЗАРОВ.

Муҳаррир ўринбосари Н. ЁҚУБОВ.

Ойнаи жаҳонда

21 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби.
11.30 «Тўс-тўполон». Мультфильм.
11.45 «Дарёлар қаерда йўқолади». Телефильм.
12.05 «Ҳуда, беҳуда гаплар». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
13.20 ЎзТВ жавонидан. Одил Ёқубов. «Улуғбек хазинаси». Видеофильм. 5-қисм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Янгиликлар.
18.10 «Тошбақа». Мультфильм.
18.20 От спорти бўйича халқаро турнир.
18.50 «Болалар дунёси». Дарсликлар муаммоси.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Ўзбекистон жумҳурияти Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
20.10 «Ҳалқа». Манзарали фильм.
20.20 «Шеърият дафтаридан». Эркин Мадраҳимов.
20.30 Москва. «Время».
21.10 «Мувозанат». Халқаро мавзуда суҳбат.
21.30 «Ахборот».
21.50 Телефильм.
22.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!». Бадиий-мусиқий кўрсатув.
23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Янгиланиш йўлидан» (рус тилида).
18.50 «Тошкент» хабарлари (рус тилида).
19.00 «Зор-интизор». Бадиий фильм («Грузия-фильм»).
20.10 «Бизнинг ҳовлимизда...». (рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 Мультфильмлар: «Чойнакдаги йўлбарс боласи», «Сенда офтоб борми?», «Инжиқ малика».
8.50 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
9.35 «Буюк Петр». Телевизион ҳужжатли фильм.
10.35 П. Коган раҳбарлигидаги Москва Давлат симфоник оркестри чалади.
11.00 «Пи» белгиси билан». Илмий-оммабоп программа саҳифаларида.
12.00 «Время».
12.30 Олам кинокамера кўзгусида. «Совет немислари: тарих ва ҳозирги давр». 2-қисм.

* * *

14.55 «Нисо». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
16.00 «Мангуликка айланган лаҳзалар».
16.30 Ясная Поляна қўшиқлари.
17.05 Мультфильмлар: «Ўрмон эртаклари», 1 ва 2-фильмлар.
17.35 Тараққиёт. Ахборот. Реклама.
18.00 «Время».
18.35 «Давр архивлари». Телевизион илмий-оммабоп фильм премьераси. 3-серия — «Учишга ташна».
19.05 «Мусаввир Петр Ян Брандл ҳаёти ва ўлими». Телевизион бадиий фильм премьераси (Чехословакия).
20.30 «Время».
21.10 Коллаж.
21.15 Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра.
21.25 «Бу бўлган... бўлганди...».
21.45 «Телескоп». Телевидение ҳақида ҳам ҳазил, ҳам чин.
23.35 «ТСН».

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.

Ўқув программаси

8.15 «Тошли лабиринтлар жумбоқлари». Илмий-оммабоп фильм.
8.35, 9.35 Адабиёт. 5-синф. Эртак.
8.55, 9.55 «Қизил мусаввир». Телевизион ҳужжатли фильм (Пермь).
9.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.35 Жуғрофия. 6-синф. Жуғрофик олимларнинг ҳозирги давр тадқиқотлари.
11.05 «Бурда моден» таклиф этади...

*

12.05 «Яккахон». Телевизион бадиий фильм.
12.55 «Ҳалиматнинг тақдири». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Олмаота).
13.15 «Эскимослар рақсга тушганда». Анадирдан кўрсатилади.
13.40 «Мусаввир С. Эрьза ҳаётидан». Телевизион ҳужжатли фильм (Куйбишев шаҳри).
14.00 Такрорий телефильмлар сеанси. «Ўтиб бораётган ёз доврўғи». 2-серия.

* * *

17.25 Удмуртия АССР Давлат телерадиоси. «Воткинск шаҳри ҳақида менга сўзлаб бер»
16.30 Қалмиқ АССР Давлат телерадиоси. «Қора тупроққа қандай ёрдам бериш керак?» (Элиста).
17.10 Спорт ҳамма учун.
17.55 Ҳаракат хавфсизлиги учун.
18.00 «Время» (сурдо таржимаси билан).
18.30 «Закарпатье жилолари». Ужгороддан кўрсатилади.
19.10 ТВ-экскурсия. «Рождественка бўйлаб сайр».
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биз меҳмондамиз».
19.45 Коллаж.
19.50 «Томошабинлар меҳри совринни» кинофестивали. «Деҳқончилик мақоми». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Саратов).
21.00 РСФСР Олий Совети сессиясининг кундалиги.
22.00 СССР Олий Совети сессиясида.
22.30 А. Дударев. «Ахлатхона». Ногин драма театрининг фильм-спектакли.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27-, 32-54-41, Масъул котиб, — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлимлари — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Д. 1265. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12